

MILLIY ARMIYAMIZ YANGI O'ZBEKISTONNING MUSTAHKAM QALQONIDIR!

VATANPARVAR

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan ● 2023-yil 4-avgust, №31 (3041)



BIZ
HAQIMIZDA

@ vatanparvar-bt@umail.uz

facebook.com/mudofaavazirligi

t.me/mv_vatanparvar_uz

instagram.com/mudofaavazirligi

t.me/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya

IJTIMOIIY-SIYOSIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, HARBIY-VATANPARVARLIK GAZETASI

BILIM VA
KO'NIKMA

MUSTAHKAMLANDI



6



Dominikan Respublikasi poytaxti Santa-Domingo shahrida bo'lib o'tgan harbiy xizmatchilar o'rtasidagi dzyudo bo'yicha 41-jahon chempionati yurtdoshlarimiz uchun muvaffaqiyatli yakunlandi.

**JAHON
CHEMPIONATIDAGI
MUVAFFAQIYAT**

18

YURTIM ASKARLARI

Vatan himoyasi yigit uchun shon,
Askarlar bor ekan, kulib otar tong,
Yurt uchun xizmatda, yurt uchun qalqon,
Yurtim askarlari, sizga tasanno.

Keksalar duoda sizni olqishlar,
Doimo sergaksiz, ham yoz-u qishlar,
Sarhadni buzolmas hattoki qushlar,
Yurtim askarlari, sizga tasanno.

Harbiy texnikada erursiz mohir,
Yurtim bayrog'ini ko'tarib mag'rur,
Vatanim ishonar sizlarga axir,
Yurtim askarlari, sizga tasanno.

Samodan boqasiz, suvdasiz hatto,
Burchingiz sharaf-la etasiz ado,
Vatan tayanchisiz, qilmaysiz xato,
Yurtim askarlari, sizga tasanno.

Ro'zimurod BOLQIYEV,
Jizzax viloyati Mirzacho'l tumanidagi
10-maktab o'qituvchisi

Yangi hayot uchun,
Yangi O'zbekiston uchun!

www.mv-vatanparvar.uz



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЯНГИ САНОАТ ЛОЙИҲАЛАРИГА КАТТА МАНЗИЛ БЎЛАДИ

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 2 АВГУСТ КУНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИГА ТАШРИФ БУЮРИБ, ЙИРИК САНОАТ МАЖМУАЛАРИ ВА СПОРТ ОБЪЕКТЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ, ЯНГИ КОРХОНАЛАРНИ ИШГА ТУШИРИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ.

Ташриф «Ангрен» эркин иқтисодий зонасидаги корхоналар фаолияти билан танишишдан бошланди.

2012 йилда ташкил этилган мазкур иқтисодий зона сўнгги йилларда ҳам худуд, ҳам салоҳият жиҳатидан кенгайди. У Ангрен шаҳри, Оҳангарон шаҳри ва тумани, Бекобод шаҳрининг бир қисмини қамраб олган. Бугун ушбу зонада 76 та корхона, уларда 11 мингдан зиёд аҳоли ишламоқда.

Улардан бири – «Premier elektrotech» масъулияти чекланган жамиятининг 23 миллион долларлик лойиҳаси. Ўтган йили декабрда ишга тушган бу корхона йилига 100 минг дона кир ювиш машинаси ва 200 минг дона совуткич ишлаб чиқариш ҳамда 1 миллион долларлик экспорт қувватига эга. 350 киши иш билан таъминланган.

Бу лойиҳанинг биринчи босқичи бўлиб, уни кенгайтириш учун қурилиш олиб борилмоқда. Иккинчи босқич шу йил декабрда фойдаланишга топширилади ва иш ўринлари 450 тага етади.

Жамият томонидан, шунингдек телевизор, кондиционер каби бошқа маиший техникалар ҳам ишлаб чиқарилади. Рақобатбардод бу маҳсулотлар МДХ мамлакатларида экспорт қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари Оҳангаронда тайёр саноат инфратузилмаси борлиги, бу хорижий инвестициялар жалб этиш учун катта имконият эканини таъкидлади. Шу каби корхоналарни кенгайтириш мақсадида электротехника саноати зонасини ташкил этиш таклифи билдирилди.

Оҳангарон металл қувурлар заводининг жойи беш йил олдин унумсиз дала эди. 2018 йилдан бошлаб саноат мажмуаси барпо этилди. 49 миллион долларлик бу лойиҳа учун ускуналар Туркиядан олиб келинди. Йиллик 205 минг тонна металл маҳсулотлар тайёрлаш қуввати яратилиб, 250 та иш ўрни барпо этилган. Жорий йилнинг 6 ойида қарийб 4 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

«Silk plast quality» корхонасида йилига 13 минг тонна полимер қувурлар ва фитинг маҳсулотлари тайёрланади. 78 кишининг бандлиги таъминланган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда «Ангрен» эркин иқтисодий зонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмасини кўздан кечирди. Янги лойиҳаларни шакллантириш, аҳоли бандлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

«Ангрен» эркин иқтисодий зонасида яна 42 та лойиҳа бўйича ишлар бошланган. Уларда 5 мингдан зиёд иш ўрни очилади.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Юқори Чирчиқ туманида барпо этилётган Футбол бўйича миллий терма жамоалар марказини бориб кўрди.

Бу марказ Халқаро футбол федерациялари ассоциацияси (ФИФА) билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда. Ҳозирда 8 минг ўринли стадион қурилган. Яна 7 та машғулот майдони, пляж футболни майдони, футзал манежи, бассейн, реабилитация мажмуаси ва ётоқхоналар қурилиши режалаштирилган.

Соҳа мутасаддилари билан суҳбатда миллий футболимизга хориждан малакали техник директор олиб келиш, футбол тузилмасини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Жиззах, Наманган ва Тошкентда минтақавий базалар ташкил қилиш, мураббийлар мактабини такомиллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Президент ёшлар орасида футболни янада оммалаштириш, уларга шароит яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

– Ўзбекистонда футбол энг сеvimли спорт тури. Ҳар ўнта одамдан тўққизтаси унинг мухлиси, деса бўлади. Бу оммавийликдан фойдаланиб, футболни тубдан ривожлантириш керак. Масалан, юртимизда 10 мингта мактаб бор, 208 та туман-шаҳар бор. Хўш, мактаб, маҳалла, жамоаларда футбол қандай бўлади? Иккинчидан, футболга меҳр кўйган болалар ўз йўлини топиши учун нима қилишимиз керак? Учинчидан, ёшлар футболдан кетгандан кейин нима билан шуғулланади, уларга қўшимча касб-ҳунар беришни ҳам ўйлаш зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ёш футболчилар билан ҳам суҳбатлашди.

– Халқимизнинг спортга меҳри кучли. Айниқса, футбол «оилавий дўстимиз». Миллий терма жамоамиз ўйинларини ҳаммамиз ғурур, фахр, ҳаяжон билан кузатамиз. Сизлар оилада ота-онангизнинг фарзанди бўлганингиз билан майдонда халқимизнинг фарзандисизлар. Ана шуни доим ёдда тутинг, – деди Президент.

Футболчиларда Ватан туйғусини шакллантириш муҳимлиги ҳам таъкидланди.

– Футболчилар дунё кезади, чет эл жамоаларида ўйнайди. Улар Ўзбекистон тарихини, шароитларини яхши билиши керак. Улар бизнинг элчиларимиз, болаларга намуна, – дея таъкидлади давлат раҳбари.

Футбол тиббиёти ва реабилитациясини жаҳон ютуқлари асосида ривожлантириш масалалари ҳам кўрсатиб ўтилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Чирчиқ қишлоқ машинасозлиги кластерига ташриф буюриб, у ерда ишлаб чиқарилган би-

ринчи маҳаллий маҳсулот – универсал трактор билан ҳам танишди.

Бу кластер Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 11 ноябрдаги қарорига асосан, ташкил қилинган эди. Машинасозликдаги 5 та корхона қувватлари мақбуллаштирилиб, Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи негизида тўлиқ цикли кластер тизими йўлга қўйилди. Бунинг учун қарийб 38 минг квадрат метр янги иншоотлар қурилиб, 35 минг квадрат метрдан зиёд мавжуд бинолар таъмирланди.

Кластер йилига 15 минг дона трактор, тиркама ва бошқа техникалар ишлаб чиқариш қувватига эга. Мингта иш ўрни яратилган. Яна бир муҳим томони, тармоқ корхоналари орасида кооперация кенгайиши, харажатлар ва маҳсулот таннархи қисқаришига эришилган.

Яқинда кластерда биринчи маҳаллий маҳсулот – универсал трактор ишлаб чиқарилди. Президент Шавкат Мирзиёев унинг илк намуналарини кўздан кечирди.

Шунингдек, комбайн ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилмоқда. Бу ишларни давом эттириб, импорт маҳсулотларни маҳаллийлаштириш, бу жараёнга хусусий секторни жалб этиш муҳимлиги таъкидланди.

– Қишлоқ хўжалигимизда техникага талаб катта. Бизга арзон, муқобил, тежамкор техника керак. Бунинг учун маҳаллийлаштириш ва таннарх бўйича ишлаш зарур. Деҳқонларга арзон техника етказиб бермасак, манфаатдорлик бўлмайди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари техникаларга хизмат кўрсатишнинг аҳолига алоҳида тўхталди.

– Бу кластер фақат сотувчи эмас, хизмат кўрсатувчи ҳам бўлиши керак, – дея таъкидланди.

Тошкент вилояти мисолида сервис масканлари ташкил этиш, ёшларни бепул ўқитиб, сифатли хизматларни йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Кластерда илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, шу мақсадда замонавий илм маркази ишга туширилди. Бу ерда Германия ва Швеция компанияларининг таълим марказлари билан ҳамкорликда узлуксиз дуал таълим шаклидаги ўқув жараёнлари йўлга қўйилган. Шу билан бирга, олий таълим муассасалари талабалари назарий билимларини кластерда амалиёт билан мустаҳкамлаб боради.

Президентимиз маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди, мутахассислар билан суҳбатлашди.

– Ҳозир жойларда, клас-

терияш 50 фоизга яқинлашмоқда. Бу йил 6 ойда мева-сабзавотнинг ўзидан 550 миллион доллардан кўп экспорт қилдик, яқин келажакда 2-3 миллиард долларга етказмоқчимиз. Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида яна лойиҳалар кўп. Уларда маҳсулдорликни ошириш, одамлар меҳнатини енгиллаштириш учун сифатли, хамёнбоп техникалар зарур, – деди Президент.

Кластер фаолиятида муқобил электр энергияси манбаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, 20 минг квадрат метр майдонда кўёш батареялари ўрнатилди. Бу кластернинг электр энергиясига талабининг 30 фоизигача таъминлаши мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятига ташрифи чоғида «Чирчиқ» кимё-индустриал технопаркида бўлди.

Татаристон Республикаси билан ҳамкорликдаги мазкур технопарк ўтган йил 23 март куни очилган эди. Бугунги кунда 10 миллион долларликдан зиёд 5 та корхона ишга туширилган. Жорий йил якунига қадар қиймати 18 миллион доллар бўлган яна 8 та лойиҳа амалга оширилади.

Хусусан, «Родиум Полимер» масъулияти чекланган жамияти томонидан кўпиклантирилган полипропилен маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жанибий корейлик ишбилармонлар билан биргаликда амалга оширилган бу корхонада йилига 2 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2 миллион долларлик экспорт қилинади.

Шу ерда Тошкент вилоятидаги янги саноат, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳа мажмуаларини ишга тушириш маросими бўлди. Булар – Оҳангарон туманидаги «Ташкент Конч цемент», Қуйи Чирчиқ туманидаги «Ташкент коттон текстиль», Юқори Чирчиқ туманидаги «Азия Ташкент Текстиль», «Салюбрис Вита», Ангрен шаҳридаги «Ангрен каолин», «Централ Азия Кемикалс», Нурафшон шаҳридаги «Агро Нью Дрип», Чирчиқ шаҳридаги «Шарк Тюбс», Паркент туманидаги «Самсарақ файз» ва «Шабнам Элегант»лардир. Бу корхоналарда цемент, калава ип, тўқимачилик, фармацевтика, бойитилган каолин, кимё маҳсулотлари, томчилатиб суғориш шланглари, рангли металллар ишлаб чиқарилади. Умуман, мазкур корхоналарда 3 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Давлат раҳбари рамзий тугмани босиб, янги корхоналарни ишга туширди.

Шундан сўнг Президент раислигида камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Видеоалоқа орқали

уни Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти, барча вилоят ва туманлар ҳокимлари ҳам кузатиб борди.

Ўтган йилда Тошкент вилоятида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштириш ҳажми 135 фоизга ўсиб, 480 миллион долларни ташкил қилгани таъкидланди. Шунингдек, ўтган олти ойда инвестиция дастурлари доирасида 240 миллион долларлик 322 та лойиҳа ишга туширилиб, 8 мингта иш ўрни яратилган.

Лекин айрим туман ва шаҳарларда фақат кичик ва ўрта лойиҳалар билан чекланиб қолинмоқда. Мисол учун, Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Қибрай, Тошкент, Янгийўл туманлари ва Нурафшон шаҳрида бирорта ҳам йирик лойиҳа йўқ.

Шу боис ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимига йил якуни билан камида 100 миллион доллардан тўғридан-тўғри инвестиция жалб қилиш вазифаси қўйилди.

Жорий йилнинг олти ойида вилоятда 440 миллион долларлик экспорт амалга оширилган. Саноат ва хизмат соҳаси кўрсаткичлари ҳам ошган. Лекин айрим туман ва шаҳарлар кесимида олганда, тушган. Бу йил қурилиши режа қилинган 114 та кўп қаватли уй-жойлардан ҳозиргача атиги 9 таси фойдаланишга топширилган.

Бу борада камчиликларга йўл қўйган бир қатор раҳбарлар лавозимидан озод қилинди.

Президент жойларда солиқ базасини кенгайтириш учун мавжуд имкониятларни санаб ўтди. Ҳар бир тадбиркорнинг муаммосини ҳал қилишга алоҳида солиқчи масъул бўлиши белгиланди. Солиқ идораларини коррупциядан холи тузилмага айлантириш, ходимларининг маънавий-ахлоқий қиёфасини яхшилаш долзарблиги таъкидланди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва имтиёзли ресурсларнинг етиб боришини осонлаштириш чоралари белгиланди. Унга кўра, эндиликда ҳоким ёрдамчилари ўзини ўзи банд қилганларнинг кичик ва ўрта бизнесга ўтишига кўмаклашади.

Бунинг учун Япония таърибаси асосида худудларда бизнес-инкубатор ва акселераторлар тизими жорий этилади. Бунда салоҳиятли тадбиркорларга дастлабки айланма маблағлари учун «улушдорлик» капитали берилади.

«20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис» дастури асосида 400 минг аҳоли бандлигини таъминлаш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Йиғилиш якунида тегишли вазирлик ва идоралар, худудлар раҳбарларининг ахбороти тингланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎзА мухбирлари**

ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ

ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ


Ҳар бир мамлакатнинг мудофаа салоҳияти ўзаро тажриба алмашинуви ва соғлом рақобат муҳитида ривожланиб, мукаммаллашиб боради. Бунда давлатлараро дўстлик ва ҳарбий ҳамкорлик масалаларининг ўрни ниҳоятда муҳим.

Ўзбекистон мудофаа вазири генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов расмий ташриф билан юртимизга келган Корея Республикаси миллий мудофаа вазири Ли Жонг Суп бошчилигидаги ҳарбий делегацияни қабул қилди.

Дастлаб меҳмонларни Фахрий қоровул иштирокида расмий кутиб олиш тадбири бўлиб ўтди. Ҳарбий оркестр томонидан икки давлат мадҳияси ижро этилди. Мудофаа вазирлиги марказий аппаратида ўтказилган учрашувда Ўзбекистон мудофаа вазири генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов корейлик ҳамкасбини юртимизга уюштирган ташрифи билан қутлаб, географик жиҳатдан икки мамлакат бир-биридан узоқ бўлса-да, халқларимизни руҳан яқинлик, маданий алоқалар ва қадриятларимиз бирлаштириб туришини таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистон мудофаа вазири икки томонлама ҳамкорликдаги эришилаётган ютуқларга тўхталар экан, ўзаро яқин дўстона муносабатлар янги стратегик шерикчилик босқичига кўтарилиб, иттифоқчилик муносабатлари мустаҳкамланаётганини қайд этди. Икки давлат мудофаа вазирлари ҳарбий соҳада эришилган ютуқлар ва келгусида амалга оширилиши режалаштирилаётган масалалар борасида ҳам истиқболли режаларни муҳокама қилишди.

Хусусан, музокаралар чоғида ўзаро ҳарбий ҳамкорлик, жумладан Кореяда ҳарбий-тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш, Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий клиник госпитали базасида юқори технологик қўшма жарроҳлик амалиётларини ўтказиш,



ахборот-коммуникация технологиялари ва киберхавфсизлик соҳаларида тажриба алмашинувини йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Учрашув якунида эса ҳарбий техник ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Мудофаа вазирлиги марказий аппаратида ўтказилган икки томонлама учрашувдан сўнг Корея Республикаси мудофаа вазири бошчилигидаги ҳарбий делегация Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясига ташриф буюрди.

Дастлаб Ўзбекистон миллий армияси, буюк аллома ва саркардаларимизнинг шонли тарихи, улар қолдирган бой маданий мерос ҳақида батафсил маълумотлар берилган бўлса, академиянинг ўзига хос инфратузилмаси, таълим жараёнлари ва ўқув-моддий базаси, ҳарбий хизматчиларнинг касбий профессионал маҳоратини такомиллаштириш мақсадида яратилган замонавий шарт-шароитлар меҳмонларда илиқ таассурот қолдирди.

Айниқса, академия ўқитувчи ва курсантларининг делегация вакиллари билан корейс тилида бевосита мулоқотда бўлгани меҳмонларга ўзига хос мотивация бера олди.

Томонлар икки давлат мудофаа идоралари ўртасида ҳамкорликда олиб борилаётган ҳарбий таълим масалаларининг жорий ҳолати ҳамда истиқболлари юзасидан фикр алмашар экан, академиянинг илмий атмосфераси Корея Республикаси вакилларида катта таассурот қолдиргани, бу шунчаки танишув ташрифи эмас, балки муваффақиятли ҳамкорликнинг навбатдаги босқичи экани бот-бот таъкидланди.

Икки кунга мўлжалланган ташриф мобайнида делегация аъзолари Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи, Мудофаа саноати агентлиги, «Чимён» тоғ тайёргарлик ўқув машқлари маркази фаолияти билан ҳам яқиндан танишиб, амалий жараёнлар давомида ҳарбий хизматчиларимизнинг профессионал маҳоратига баҳо берди.

Қисқа танаффусдан сўнг музокаралар пойтахтимизнинг муҳташам «Hilton» меҳмонхонасида давом этди. Ўзбекистон – Корея мудофаа саноатини ривожлантириш мавзусида бўлиб ўтган конференцияда томонлар иштирокида маърузалар тингланди ва ҳамкорликдаги режалар муҳокама қилинди.

Бир сўз билан айтганда, Корея делегациясининг Марказий Осиё минтақасига илк ташрифи айнан Ўзбекистондан бошланди. Бу эса мамлакатимиз ҳарбий салоҳияти дунёга бўй кўрсатаётганидан далолат беради.

Катта лейтенант Бобур ЭЛМУРОДОВ,
 «Vatanparvar»

ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН: ҳарбий малака ва маҳорат уйғунлиги

Ўзбекистон ва Озарбайжон мудофаа вазирлари ўртасидаги ҳарбий ҳамкорлик режасига мувофиқ, Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондони раҳбарлигида икки давлат ҳарбий бўлинмаларининг биргаликдаги «UZAZ – 2023» компьютер қўмондонлик-штаб ўқуви ўтказилди.





Қуролли Кучлар моделлаштириш ва симуляция бўйича тадқиқотлар дала-ўқув марказида ташкил этилган мазкур ўқув «Ноқонуний қуролли тузилмаларни чеклаш, кучсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича қўшинлар махсус ҳаракатини ташкиллаштириш ва олиб бориш» мавзусида ташкил этилди.

Ўқув аввалида Озарбайжон ҳарбий делегацияси Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари моделлаштириш ва симуляция бўйича тадқиқотлар дала-ўқув маркази билан яқиндан таништирилди. У ерда ҳарбийлар учун яратилган шароит, марказ фаолияти, ўқувларнинг ташкил этиш

марказида чегарани бузиб ўтишга уриниш ва ноқонуний қуролли тузилмаларга қарши жанг олиб бориш бўйича амалий ҳаракат ташкил этилди. Қуролли тўқнашувларда ҳарбий ҳаракатлар, махсус гуруҳ ва батальоннинг жанговар ҳаракатлари назарий-амалий жиҳатдан кўриб чиқилди.

– Мазкур қўмондонлик-штаб ўқувининг асосий мақсади, ҳозирги таҳликали замонда дунёдаги кескин вазиятнинг олдини олишда қардош давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, – дейди лейтенант Зиёдулла Холбоев. – Ўқув давомида замонавий урушларнинг келиб

кил этилган қўмондонлик-штаб ўқуви томонлар учун ҳам ўзаро манфаатли бўлди деб ўйлайман, – дейди Озарбайжон ҳарбий делегацияси вакили, майор Жаҳонгир Алиев. – Биз мазкур ўқув давомида ўзаро фикр алмашиш, ҳарбий билим ва маҳоратимизни ошириш имконига эга бўлдик. Самимий руҳда ташкил этилган ўқувларни режа асосида биргаликда олиб бордик. Ҳарбий алоқаларни янада кенгайтириш, доимий мулоқот ўрнатиш ҳамда шу каби малака алмашинувларининг тез-тез ташкил қилиб турилишини хоҳлардик.

Кун тартибига мувофиқ, Озарбайжон делегацияси Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойларига

– Ўзбекистонга ташрифимизнинг илк дақиқаларидан бошлаб самимий муносабатда кутиб олишди, – дейди озарбайжонлик майор Газанфар Исмаилов. – Ҳамкорликдаги ўқув машғулотлари давомида Ўзбекистоннинг маданияти, тарихи ва диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишдик. Инсонлари билан суҳбатимиз давомида шунга амин бўлдикки, икки давлат – Ўзбекистон ва Озарбайжон қардош ўлка. Ўқув жараёнларини ҳар томонлама намунали ташкил этган Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги раҳбариятига ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.



жараёнини кўздан кечирди. Шундан сўнг гуруҳларнинг тактик вазифаси тақсимоти, дастлабки ҳолат харитаси ва жанг олиб боришнинг бошқа маълумотлари етказилди ҳамда машқнинг фаол босқичига тайёргарлик кўриш бошланди.

Моделлаштириш ва симуляция бўйича тадқиқотлар дала-ўқув

чиқиш сабаблари ҳамда уларни бартараф этиш усулларини кўриб чиқдик. Чегарани бузиб ўтишга қаратилган ноқонуний уриниш вақтида икки давлат офицерларининг ҳарбий усуллари ўзаро солиштириб кўрилди, кўникма ва тажриба алмашилди.

– Икки қардош давлат ҳарбийлари ўртасида ҳамкорликда таш-

ташриф буюрди. Даставвал, озарбайжонлик ҳарбий хизматчилари Тошкент шаҳрида жойлашган Ҳайдар Алиев ёдгорлигига гул қўйишди. Шундан сўнг «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси ва «Шон-шараф» давлат музейи, «Ҳасти Имом», «Шаҳидлар хотираси» хиёбони ва бошқа диққатга сазовор жойларга саёҳат қилдилар.

Рўзиқул ОЧИЛОВ,
«Vatanparvar»

«Нукус» умумқўшин полигонидан Мудофаа вазирлиги Жанговар тайёргарлик бош бошқармаси мутахассислари, Қуролли Кучлар академияси ва Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти профессор-ўқитувчилари ҳамда вазирлик қошидаги марказларнинг йўриқчилари томонидан Шимоли-ғарбий ҳарбий округнинг офицер ва сержантлари билан танкка қарши бошқарилувчи ракета комплексларини жанговар қўллаш бўйича ўқув-услубий йиғин машғулоти ўтказилди.


БИЛИМ ВА КЎНИКМА МУСТАҲКАМЛАНДИ

Йиғин давомида ушбу ракета комплексларининг тактик-техник таснифидан тортиб, тактик вазиятда ракета-таларни амалий тарзда шартли нишонга қарши қўллаш услуби-яти ва улар билан муомала қилганда техник хавфсизлик талабларига риоя қилиш қоидалари ўргатилди.

Кўргазмали машғулотлар ташкил этилиб, унда бешта ўқув нуқта-сида танкка қарши бошқарилувчи ракета комплекслари ҳақида умумий маълумотлар ва хавфсизлик қоидалари етказилиб, назорат кўриклари ўтказилди ҳамда сафар ҳолатидан жанговар ҳолатга ўтказиш тартиблари ўргатилди.

Яқунда танкка қарши бошқарилувчи ракета комплексларини жанговар қўллаш бўйича кўргазмали амалий машқ намоиш этилиб, шартли душман техникаси яқсон этилди. Кўргазмали машғулотларни Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, ҳарбий қисм командирлари ва муассаса бошлиқлари ҳамда йиғин иштирокчилари кузатиб борди.

Ўқув-услубий йиғинни сифатли ўтказиш, ҳарбий хизматчиларнинг отиш тайёргарлиги бўйича билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун йиғин раҳбариятига ҳарбий округ қўмондони томонидан миннатдорлик билдирилди.



САРҲАДЛАРИМИЗ ҲИМОЯСИ ИШОНЧЛИ ҚўЛЛАРДА



Она Ватанимиз тинчлигини, мустақиллигимизни асраб-авайлаш, халқ фаровонлигини таъминлашда куч ишлатар тузилмалар бугун олдига қўйилган вазифаларни юксак даражада адо этиб, тинчлигимиз ва осойишталигимиз йўлида бир мақсад сари бирлашмоқда.



Буни айни кунларда ўқув йили режасига мувофиқ, бирлашма ва қўшилмаларда ўтказилаётган ўқувларда ҳам кузатишимиз мумкин.

Жумладан, Жиззах ва Самарқанд вилоятларининг кўшни республикалар билан чегарадош ҳудудлари бўйлаб Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия ҳамда Давлат божхона қўмитаси, шунингдек тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда давлат чегараларини қўриқлаш, чегара ва чегара олди ҳудудларида осойишталик, хавфсизликни таъминлашга қаратилган уч босқичли ўқув машғулотлари ўтказилди.

Ўқув машғулотлари Давлат чегараси орқали ноқонуний равишда шартли душман босқини хусусидаги тезкор хабарга кўра, ҳамкорликдаги қўшилма ва тузилмаларга бир вақтда «Йиғин» буйруғининг берилиши орқали бошланди. Шундан сўнг бошқарув органлари ва бўлинмалар юқори жанговар шайлик даражасига келтирилди ҳамда тегишли жанговар масалаларни белгиланган вақтда бажарди.

Йиғилган ишчи гуруҳ томонидан олинган тезкор маълумотга кўра, шартли душмanning давлат чегарасидан ноқонуний бузиб ўтган соҳаси белгиланиб, ҳар бир қўшилма ва бўлинмалар босқинни бартараф

этиш ҳамда давлат чегараси дахлсизлигини ҳимоя қилиш режасини ишлаб чиқиб, ушбу ҳудудлардаги бўлинмаларга ўз қарорларини етказишди. Қарорга асосан, ҳамкорликдаги тузилмаларга ўз хизмат вазифасидан келиб чиқиб

жанговар топшириқлар берилди.

Шунингдек, режада шахсий таркиб сони, манзилгача бўлган масофа, жанговар техника ва қурол-аслаҳа ҳамда ички таъминот каби барча элементлар ҳисобга олинди.

Шундан сўнг қуролли босқинни бартараф этиш бўйича кўрсатмага асосан, амалий ҳаракатларга старт берилди. Қуролли босқин бўлган чегара ҳудудига барча ҳамкорликдаги тузилмалар белгиланган режа-лардаги вақт ҳисобига кўра етиб бориб, шартли душман шахсий таркиб ҳамда зирқли техникалар орқали йўқ қилинди.

Бу каби ўқувлар давомида чегара операциясини ўтказиш доирасида бирлашма, қўшилма ва бўлинмаларнинг ҳамкорлик режаларини, ҳисобларини, жанговар қўллаш ҳужжатларини реал ҳолатларда текшириш ҳамда чегара операциясини режалаштириш ва ўтказиш давомида вазият кескинлашганда, биргаликдаги жанговар хизмат вазифаларини бажаришда бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг тезкорлик билан ахборот алмашувини ва ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек куч ва воситаларнинг жанговар ҳаракатлар давомида ҳар томонлама таъминотини ташкиллаштириш бўйича кўникмалари такомиллаштирилади.

**Катта лейтенант
Эркин ЁДГОРОВ**
ДХХ Чегара қўшинлари



СУРХОНДАРЁДА «КАЛИБР»

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан имзоланган ўзаро ҳамкорлик меморандумига асосан, «Калибр» узоқ масофаларга ўқ отиш клуби таъсис этилган эди.

КЛУБНИНГ МУСОБАҚАСИ БЎЛИБ ЎТДИ



«Калибр» клуби «Ватанпарвар» ташкилотининг Республика техника ва амалий спорт турлари маркази қошида ташкил этилган бўлиб, клубнинг асосий мақсади ов ва узоқ масофаларга ўқ отиш спорт ҳаваскорлари, Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, илғор тажриба алмашиш ҳамда республика ҳудудида узоқ масофаларга ўқ отишни оммалаштириш ҳисобланади.

«Калибр» узоқ масофаларга ўқ отиш клуби низомига мувофиқ, ушбу клубга фақатгина Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмасига аъзо бўлган (*қурол олиб юришга ҳақли*) фуқаролар қабул қилинади. Бирлашма ниқобланиш, жойга мослашиш, ориентирланиш, қийин шароитларда яшовчанлик борасидаги ўз тажриба ва кўникмаларини ҳарбий хизматчиларга ўргатиш бўйича маҳорат дарслари ўтиб бориши белгиланган.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ «Термиз» дала-ўқув майдонида «Калибр» клубининг Сурхондарё вилояти миқёсида «Энг моҳир овчи» мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондони генерал-майор Зайнобиддин Иминов, Мудофаа вазирлиги ва куч тузилмалари ҳарбий хизматчилари ҳамда туманлардан ташриф буюрган клуб аъзолари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар овчиларнинг бой тажрибаси ва маҳоратини алоҳида таъкидлаб ўтган ҳолда, улар учун яратилаётган шарт-шароитларга тўхталиб ўтди.

Қатнашувчилар автомат ва мерганлик милтиғидан турли масофалардаги нишонларни йўқ қилиш бўйича ўзаро беллашди. Таъкидлаш жоизки, иштирокчилар сони ва улардаги шижоат алоҳида ажралиб турди.

Яқунда йўналишлар бўйича ғолибликни қўлга киритган иштирокчиларга диплом ва қимматбаҳо совғалар берилди.



III даражали сержант
Акбар АҲМЕДОВ
Термиз гарнизони

«ВАТАН — УЛУҒ, БУРЧ — МУҚАДДАС!»

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари академиясида Вазирлар Маъжамасининг 2023 йил 29 июндаги «Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Унда Қуrolли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар, Олий таълим, фан ва инновациялар, Мактабгача ва мактаб таълими, Маданият, Ёшлар сиёсати ва спорт, Камбағалликни қисқартиш ва бандлик вазирликлари, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда ҳарбий-маъмурий секторлардан мутасадди вакиллар иштирок этди. Видеоконференц-алоқа тарзида бўлиб ўтган анжуманга мудофаа вазирининг

мўлжалланган «Йўл харитаси» ишлаб чиқилган.

Ушбу қарорда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги концепция ва «Йўл харитаси» ижросини назорат қилиш учун масъул эканлиги ҳам белгилаб қўйилган. Бугунги глобаллашув ва кескин рақобат даврида, дунёнинг турли бурчакларида, жумладан, минтақамизда юз бераётган қуrolли можаролар ва қарама-қаршиликлар, янги таҳдид ва хатарлар олдимизга кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларни қўймоқда.

— Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини оширишга оид қарорнинг нечоғлик долзарб эканлигини ёзувчи сифатида эмас, ёки Қуrolли Кучлар тузилмаларининг ҳамқори сифатида ҳам эмас, балки, тўрт нафар фарзанднинг отаси сифатида айта оламани, ушбу қарор жуда муҳим пайтда қабул қилинди, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, шоир Ботир Эргашев.

— Боиси, фарзандларимизнинг чин маънода ватанпарвар бўлиб улғайиши, ўз Ватанини севиши учун қўлимиздан келган барча ишларни амалга оширишимиз керак. Буни шу юртда яшаб турган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи деб биламан. Ижтимоий тармоқларда бугунги кунда фаол бўлган қатламнинг аксари ёшлардан иборатлигини инобатга олсак, уларнинг онги, юртимизда рўй бераётган ислохотларга бўлган муносабати шахсан мени қониқтирмайди. Ҳозир биз муҳокама қилган қарор ижросини ҳамкор ташкилотлар билан сидқидилдан бажарсак, ёшлар онгидаги саъзлик ва бўшлиқларни тўлдироларми. Қарор ва унинг концепцияси жуда мукамал ишланган. Унинг

устида юздан ортиқ инсон бош қотирди. Биз ва ҳамкор ташкилотлардан сўраладиган биргина ҳолат бор, бу ҳам бўлса унинг ижросини охиригача мукамал адо этиш керак холос. Ушундагина ўйлаган маррага етамиз. Ватанпарвар бўлиш учун болаларимизга аввало ўзимиз намуна бўлишимиз керак. Ота чойхонадан келмаса, она ғийбатларга тўла сериаллардан бўшамаса, болалардан қандай қилиб фидойилик ва Ватанни севишни талаб қилиш мумкин. Шахсий намуна ва ибрат бўлибгина бундай муаммоларга ечим топамиз.

Айнан шундай шароитда мамлакатимиз ёшларини ватанпарварлик, шу жумладан, ҳарбий-ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига тинчлик ва тотувликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш зарурлигини чуқур сингдириш, «Халқ ва армия бир тану, бир жондир!» деган эзгу ғоя асосида ёшлар тарбиясига масъул вазирлик ва идораларнинг куч ва имкониятларини бир ғоя, бир мақсад асосида бирлаштириш талаб этилаётганлиги ҳам 2023–2027 йилларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш концепциясида белгилаб қўйилган.

Қолаверса, ҳар қандай оғир ва мураккаб вазиятда Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг шухратини дунёга тараннум этиш билан боғлиқ энг муҳим тушунчаларни, ҳаётий ва профессионал кўникмаларни илм-маърифат, шунингдек, миллий қадриятлар асосида ёшларнинг қалби ва онгига илк болалик давридан бошлаб сингдириб бориш орқали ватанпарвар, садоқатли ҳамда шижоатли ёшларни камол топтириш концепциянинг асосий моҳиятини ташкил этади.

— Бугунги кунда айрим диний ташкилотлар, экстремистик гуруҳлар, террористик ташкилотлар ёки турли оқимларнинг таъсирига тушиб қолаётган ёшларимизнинг мавжудлиги ишимизнинг намунали бажарилмаётганлигини кўрсатади, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги бош мутахассиси Акмал Алимов. — Бу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирларни яна бир қатор кўриб чиқишимиз кераклигидан далолат. Бугунги анжуманнинг мавзуси доирасида ҳам қилинадиган ишларимиз манзилли этиб белгилаб олинди.

«Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш чо-

ра-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг концепцияси 7 та боб, 22 та масаладан иборат. Ана шу концепцияни бажариш юзасидан ташкил қилинган «Йўл харитаси»да 6 та бўлим ва 36 банддан иборат вазифалар белгиланган. Ҳар бир вазирлик, идора ва ташкилотларга алоҳида ўзининг ваколати доирасидаги вазифалар белгилаб берилган.

сий-ижтимоий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш кўникмаларини, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатилаётган ғаразли ахборотлар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, ёшларни залолатга бошловчи бузғунчи ғояларга қарши соғлом дунёқарашни шакллантириш ҳам бугуннинг энг долзарб



Муallif sur'atiga olgan



в а кечиктириб

бўлмайдиган амалий ҳаракатларни бошлашга ундайди.

Анжуман доирасида камтарона хизматимни юқори баҳолаб, «Намунали хизмати учун» кўкрак нишонига лойиқ кўрилганим учун Мудофаа вазирлиги раҳбариятига ўз миннатдорлигимни билдираман. Келгусида ушбу эътирофга лойиқ бўлишга ҳаракат қиламан.

Дарҳақиқат, анжуманда таъкидланганидек, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда буюк тарихимиз, улуг аждодларимизнинг бой маънавий мероси, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби саркардаларнинг жаҳон цивилизацияси ҳамда ҳарбий санъат ривожига қўшган ҳиссаларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз кўрсатган ватанпарварлик ва қаҳрамонлик, улардаги садоқат, фидойилик, матонат ҳамда жасорат каби хислатларни, шунингдек, юрт, оила, ота-она ва фарзандлар ҳимояси халқ ва аждодлар хотираси олдида муқаддас бурч эканлигини ёшлар онгига сингдириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй бераётган сиё-

Шунга кўра, концепцияда тадбирлар беш босқичда амалга оширилиши кўзда тутилган. Биринчи босқич 3–7 ёшдаги болалар, иккинчи 7–10 ёшлилар, учинчи босқич 11–17 ёшдаги ўспиринлар тўртинчи босқич 18–21 ёш ва бешинчи босқич 22–30 ёшлилар ўртасида олиб борилади.

Мазкур концепция «Ватан — улуг, бурч — муқаддас!» ғояси асосида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишларни мазмунан янги босқичга кўтаришда муҳим роль ўйнайди. Ҳарбий хизмат нуфузи ҳамда миллий Қуrolли Кучларимиз билан фахрланиш ва уларнинг салоҳиятига ишонч ҳиссини шакллантириш, ёшларнинг ҳарбий касбни танлашга бўлган қизиқшини ошириш имконини бериш билан бир қаторда уларда ижтимоий аҳамиятга эга фуқаролик туйғусини шакллантириш, етуқлик, Ватанга муҳаббат, миллий анъаналарга содиқлик, тарихий ва маданий қадриятларни сақлашга интилиш каби фазилатларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Шерзод ШАРИПОВ,
 «Vatanparvar»



тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари генерал-майор Ҳамдам Қаршиев бошчилик қилди.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир ишлар самарадорлигини янги босқичга олиб чиқиш, мазкур йўналишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаоллигини янада ошириш, ёшлар онгига ватанпарварлик, мардлик туйғуларини сингдириш мақсадида қарор иловасидаги концепция ва унинг механизмларини амалга ошириш бўйича 2023–2027 йилларга

Ўтмишга назар ташласак, инсоният қадим-қадимдан тинч ва осойишта яшашга интилиб келган. Бироқ минг афсуски, хоҳиш-истак ва ҳаётий эҳтиёжларнинг бир-бирига номуносиблиги сабаб, тарихимизнинг ҳамма даврларида катта-кичик конфликтлар ва урушлар бўлиб турган. Манбаларда кўрсатилишича, сайёрамизда 15 000 га яқин уруш ва низолар бўлиб ўтган ҳамда уларда 4 млрд.га яқин киши ҳалок бўлган. Афсуски, бу каби хунрезликлар дунёнинг турли нуқталарида ҳанузгача давом этмоқда.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРДА ҲАРБИЙ СОЦИОЛОГИЯ



Тарихий маълумотларда келтирилишича, ўтган 5 000 йилнинг атиги 292 йили урушсиз ўтган, яъни одамзод 50 кунда бир урушсиз, жанг жадалларсиз яшаган. Демак, уруш ва низоларнинг келиб чиқиш сабабларини, оқибатларини ўрганиш, тинчлик ва барқарорлик масалаларини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланиб, албатта бунда, ҳарбий соҳа ва ҳарбий хизматчилар фаолиятини ўрганиш ва таҳлил этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Шу жиҳатлар эътиборга олинган ҳолда, сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий армияни изчиллик билан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, давлатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, бу борада Президентимиз қарорига мувофиқ, ҳарбий округлар бошқарув аппаратларида «психолог», «етакчи социолог», бригадаларда (уларга тенглаштирилган ҳарбий қисмларда) ва алоҳида батальонларда ҳарбий қисм командирининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича маслаҳатчи – Маданият маркази бошлиғи (Қуролли Кучлар хизматчиси) лавозимлари жорий этилиши ўзига хос аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг 2019 йил 22 февралдаги «Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида кўра, «хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, шунингдек, ташқи сиёсат соҳаларида – мамлакат мудофаа қобилиятини, фуқаролар ўртасида ва динлараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлашга, ташқи сиёсат соҳасидаги фаолият самарадорлигини янада оширишга йўналтирилган ислохотлар тўғрисидаги жамоатчилик фикрини ўрганиш ва таҳлил қилиш» каби устувор вазифалар белгиланганлиги эса ҳарбий социологиянинг фан-амалиёт-ўқув курси сифатида ривожланиши учун институционал асос сифатида хизмат қилмоқда.

Маълумки, «Мудофаа тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида мудофаанинг илмий, илмий-техникавий, маърифий, ҳарбий-саноат, иқтисодий, ахборот ва қонунчилик базасини такомиллаштириш, аҳолини маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Қуролли Кучлар шахсий таркибини давлатни ҳимоя қилишга ахлоқий-руҳий жиҳатдан тайёрлаш каби вазифалар белгиланган.

Бу борада ҳарбий социология ҳарбий соҳадаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлиб, у армия муаммоларини тадқиқ этиш орқали, уруш ва тинчлик даврининг ўзига хос хусусиятларини ҳамда моҳиятини очиб беради.

Афсуски, ҳарбий социология катта қийинчиликлар билан ривожланмоқда, чунки унинг ривожланиши кўп жиҳатдан ҳарбий кафедралар ичида содир бўлади ва табиатан ёпиқ ҳамда махфий ҳисоблангани боис, ҳарбий кафедра тадқиқотлари натижалари кўпинча кенг жамоатчиликка ошқор қилинмайди ва шу сабабли ҳам социологик манбаларда ҳарбий соҳага тегишли ахборотлар бир қадар танқислигини кузатишимиз мумкин.

Ҳарбий социология жамият-давлат-армиянинг ўзаро таъсир хусусиятларини, ҳарбий хизматчиларнинг бу муносабатлардаги ролини, ҳарбий хизматчи шахсининг манфаатларини ва уларнинг касбий тажрибасини, турмуш тарзини ва уларнинг ўзаро муносабатлар ривождаги таъсирини ўрганади. Шу асосда барча қизиқиш ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда, меҳнат муносабатларини барқарорлаштириш ва уйғунлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади. Шунингдек, ҳарбий социологик тадқиқотлар доирасида ҳарбий хизматчиларнинг хатти-ҳаракатлари, уларнинг меҳнат фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, ҳарбий хизматчиларнинг онги, кайфияти ва бошқа жиҳатлари ҳам ўрганилади.

Ҳарбий социология, мамлакатимиздаги мавжуд олий ҳарбий таълим муассасаларида дастлаб, ўқув курси сифатида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Қуролли Кучлар академиясида «Қўмондонлик-тактик тарбиявий ва мафкуравий ишлар» мутахассислиги доирасида ўқитиб келинмоқда.

2022 йилнинг 22 декабрь куни юртимизда илк бор Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида Ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлар институти Социологик ва психологик тадқиқотлар маркази ва Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялар университети Нурафшон филиали билан ҳамкорликда «Ҳарбий социологиянинг ҳарбий хизматчиларда ватанпарварлик ҳиссини оширишдаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро ҳарбий-илмий конференция ўтказилди. Унда олий ҳарбий таълим муассасалари, ҳарбий округ қўмондонликлари масъуллари, хорижий

экспертлар ва мутахассислар иштирок этди.

Конференция давомида ҳарбий ва ижтимоий соҳа вакилларининг мавзу бўйича турли ёндашувлари таҳлил қилинди. Шунингдек, ҳарбий социология йўналишининг ривожланишига ҳисса қўшган тадқиқотлар ва ушбу тадқиқотларда қўлланилган методлар тўғрисида маърузалар тингланди. Конференциядаги маърузалар ва билдирилган таклифлар ҳарбий хизматчиларнинг билими ва дунёқарашини кенгайтиришга, шунингдек, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиши билан қимматли бўлди. Ушбу тадбир тафсилотлари бўйича эса ОАВда ахборот берилди. Бу эса, ўз навбатида, ҳарбий социологиянинг фан сифатида, ўқув курси ва илмий тадқиқот объекти сифатида аҳамияти ортиб бораётганини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги даврда республикаимиз мудофаа тизимида ҳарбий социологияни (фан+амалиёт+ўқув курси учлигида) ўрганиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, эмпирик социологик тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида ҳарбий социология ҳолати ва истиқболи тўғрисида қуйидаги хулосаларни илгари суриш имконини беради:

1) Қуролли Кучлар тизимида ўқитилаётган «ҳарбий социология» фанига доир давлат тилидаги адабиётлар базасини шакллантириш, курсантлар учун соҳага оид дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмаларни ҳамкор ташкилот олимлари билан биргаликда яратиш;

2) ҳарбий фаолият ва мудофаа соҳасига доир социологик тадқиқот ишларини амалга ошириш, тадқиқот натижалар асосида илмий мақола ва монографиялар чоп этиш;

3) ҳарбий хизматчилар фаолиятини такомиллаштиришга доир социологик тадқиқотлар олиб борган ҳолда тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

4) бугунги кунда ҳарбий соҳада мавжуд «етакчи социолог» сифатида фаолият кўрсатаётган Қуролли Кучлар хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш;

5) Қуролли Кучлар хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатилаётган ижтимоий хизматнинг мавжуд ҳолати, муаммо ва камчиликларни эмпирик социологик тадқиқотлар орқали ўрганиш бўйича илмий изланишларни йўлга қўйиш.

Бу саъй-ҳаракатлар эса ўз навбатида ҳарбий социология фани ривожини янги тараққиёт босқичига олиб чиқиши билан мақсадга мувофиқдир.

Д. РАҲМОНОВ,
Қуролли Кучлар Ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлар институти маркази катта илмий ходими, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори

ЎТТИЗ ЁШИДА ҚАТАҒОН ЭТИЛГАН НАВОИЙШУНОС ОЛИМ

Юнус Латиф 1910 йилда Тошкентнинг ўзига тўқ бойларидан бири Латифбек хонадонидан туғилган. Табиийки, Юнуснинг отаси ўғлига яхши таълим-тарбия беришга ҳаракат қилди, бу йўлда сармоияни аямади. Шу билан бирга Юнус ёшлигиданоқ тараққийпарварларнинг адабий даврасида иштирок этиб, бевосита уларнинг таъсири остида вояга етди. У вояга етган ва кейинчалик ҳам ўзаро ҳамкорлик қилиб борган адабий давра ичидан Фулом Зафарий, Ғози Юнус, Чўлпон, Элбек, Ойбек, Ғафур Фулом, Ғайратий, Санжар Сиддиқ, Собир Абдулла каби миллат зиёлилари бор эди.



Юнус Латиф ўқувчилигиданоқ Алишер Навоий асарлари билан бирга Абдурахмон Жомий, Фузулий, Шайх Саъдий ва шу каби кўплаб классик шоир ҳамда ёзувчиларнинг ижоди билан танишди.

Юнус Латиф туғма истеъдод соҳиби эди. У бир олим узок умри давомида қилиши мумкин бўлган тадқиқотларни қисқа ҳаётида амалга оширди. Жумладан, 1939 йил ҳали 28 ёшида Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани») асарининг илмий-танқидий матнини нашрга тайёрлаб чоп эттирди. Эътироф этиш керак, XX асрнинг 30-йилларида мумтоз адабиёт вакиллари асарларининг илмий-танқидий матнини тайёрлаш урф бўлмаган эди. Юнус Латиф жуда ёш бўлишига қарамадан бу ишни муваффақиятли амалга оширди. Шунингдек, у «Ҳозирги замон ўзбек адабиёти дарслиги» хрестоматиясини нашрга тайёрлаш билан бирга, «Ўт киз» ва «Салом меҳрибон» номли шеърлар тўпламларини ҳам китобхонларга тақдим этди. Шунингдек, Юнус Латиф «Ёш ленинчи», «Қизил Ўзбекистон», «Ўқитувчилар», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталари ҳамда «Гулистон», «Ёш куч», «Вожатий» (Етакчи) каби журналларда ўзбек адабиётшунослигига доир қатор мақолалари билан чиқишлар қилди.

Жумладан, Юнус Латиф «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1941 йили 16 май сонидан чоп этилган «Адабиёт дарсининг қўйилиши» номли мақоласида, бир пайтнинг ўзиде ҳам кучли филолог олим, бошқа томондан эса етук педагог сифатида на-

моён бўлади. Олим ушбу мақоласида адабиёт ҳақида, унинг мактабларда ўқитилишидаги жараёнлар хусусида ўзининг мулоҳазаларини билдирган. Масалан, унинг адабиёт тўғрисида қуйидаги фикрларига назар солайлик: «Адабиёт санъатнинг шундай бир қисмики, унинг равнақи барча санъат турларининг гуллашига, камол топишига йўл очади. Адабиёт тарихини кўздан кечирсак, бу фикрнинг ёрқин мисолларини кўриш мумкин. Прогрессив адабиётнинг роли бугина эмас, балки у кишилик ҳаётининг ойнаси-дир. Бу ойнада халқларнинг умид, орзулари, инсонларнинг ўзаро курашлари жилваланади. У бир томондан тарихни ўргатса, иккинчи томондан турли тарихий даврларда яшаган кишилик жамиятининг руҳий ҳолати, дунёқарашини ифодалаб беради. У ҳаётни фақат акс эттирмайди, балки наслларни тарбиялайди, турмушни ўргатади, ёруғ келажакка йўллайди. Бир сўз билан айтганда, адабиёт кишиликни ўргатадиган билимдир».

Юнус Латиф ушбу мақоласида «Мактабларимизда адабиёт дарсининг қўйилиши бу талабларга жавоб берадими?» деган саволни ўртага ташлаб, бу борада ўзи изланишлар олиб борган. Масалан, у 1941 йилда Қўқон шаҳридаги мактабларга бориб, 10-синфларнинг адабиёт дарсларини кузатган. Унинг бу хусусдаги мулоҳазалари бир томондан ўтган асрнинг 40-йилларида мактабларда адабиёт дарсининг ўтилиши жараёнлари тўғрисида муайян тасаввур берса, иккинчи томондан Юнус Латифнинг педагог ва

олим сифатидаги маҳоратини аниқроқ баҳолашга хизмат қилади.

Юнус Латиф Қўқон шаҳридаги 3-мактабнинг 10-синф адабиёт дарсида иштирок этган. Ушбу дарсда ўқитувчи ўқувчиларга Ғафур Фуломнинг «Икки васиқа» асарини таҳлил қилиб беришни мақсад қилади. Бу тўғрида Юнус Латифнинг қуйидаги мулоҳазалари айниқса, диққатга сазовор: «Асар синфда ўқилди. Лекин ўқувчилар бадиий асарни ўқиш санъатидан хабарсизликларига кўра, уни бузиб ўқидилар. Ҳатто «Сой тоши» деган сўзни «шайтонни», «айланарди»ни «ўйларди», «қадамжолари»ни «қадамчалари» деб ўқиса ҳам ўқитувчи буларни тузатмади. Шундай қилиб ўқувчилар бу адабий парчадан баҳра ололмади. Ўқиш сифатининг пастлиги орқасида асардаги кузатилган мақсад ўқувчиларга бориб етмади. Бадиий ўқишнинг паст савияси устига ўқитувчининг таҳлили ҳам паст, масаланнинг моҳиятини очиб бергудек бўлмади. Ўқитувчи асарнинг ғоявий томонини қуруқ, ширасиз ифодалар орқали баён қилишга ортиқча зеб берди. Яъни ўқитувчи социологияга берилиб кетиб, «Икки васиқа»да айтилмоқчи бўлган ғоянинг бадиий ифода йўллари оғизга ҳам олмади.

Ҳайдар Чўққининг образи, унинг ўтмиши ва ҳозир ҳақида болаларда ёрқин тасаввур қолмади. Ҳолбуки, бадиий асарнинг таҳлили ичидан бадиий дид, нафосат ҳиссини тарбиялаши, ўстириши лозим. Чунки қаҳрамонларнинг ҳислатлари орқали ёшларни тарбиялаш муҳим ишдир. Лекин дарс бу талабларга жавоб бермади. Яъни ўқитувчи асардаги асосий тугунни ечиб беролмади. Яъни қаҳрамонларнинг характерлари, портрет деталлари, образлар қўланкада қолиб кетди. Бунинг орасида ўқувчиларга, персонажларга лоқайд қарар, уларда онгли қизиқиш кўринмас эди. Персонажларнинг фикр қилишлари, хулқ-атворлари, интилиш, тақдирлари билан қизиқсинмаслик, дарсининг паст савиясини кўрсатиб туради. У юқорида келтирилган иқтибослардан кўринадики, Юнус Латиф моҳир ва синчков педагог бўлиш билан бирга адабиётни теран тушунган олим ҳам бўлган.

Муаллифнинг Марғилондаги 13-мактабнинг 10-синфидаги дарс жараёнлари тўғрисидаги мулоҳазалари ҳам диққатга сазовор. Унда адабиёт ўқитувчиси дарси тўғрисида фикр юритган. Жумладан, муаллиф «Характер ва унинг тасвири бадиий асарнинг жонидир. Бадиий асар характер яратиш санъатидир. У қаҳрамонларнинг ички олами, руҳий ҳолати, орзу-интилишлари, алами, изтироблари, умид, қувончлари, хулқ-атворларининг кўрсаткичидир. Адабиёт дарсида характер билан портретнинг фарқи бормаслик, бадиий асарнинг моҳиятини англамасликка олиб келади. Уртоқ Муҳаммадиев характер ҳақида савол бериб, портрет тўғрисида жавоб олишга интилди. Демак, ўқитувчи адабиёт назариясининг бу

муҳим қоидаларини англаб етмаган. Уртоқ Муҳаммадиевнинг классик адабиёт бўйича бир дарсидан ҳам намуна келтираман: у 8-синфда Л.Н. Толстой ижоди устида машғулот ўтказди. Биз дарсининг савиясини ўқитувчининг саволлари ва ўқувчиларнинг жавобларини айнан келтириш орқали кўрсатмоқчимиз.

Масалан:

Ўқитувчи: Толстой ижодининг биринчи даврини айтинг?

Ўқувчи: помешчикларни қаҳрамон қилиб олади. Дворян патриархализмни ёзди.

Ўқитувчи: Толстой ижоди биринчи даврида қарама-қаршилик борми?

Ўқувчи: бор, иккинчи даврда йўқ, э, бор.

Ўқитувчи: Ҳожимурод образи нимани билдиради?

Ўқувчи: Ҳожимуроднинг мардлигини...

Ўқитувчи: «Базмдан кейин»да бош қаҳрамон ким?

Ўқувчи: э, Иван Василевич.

Ўқитувчи: базмдан кейин нима бўлди?

Ўқувчи: ... (жим)

Ўқитувчи: ижодида иккинчи даврда ҳам қарама-қаршилик кўрамизми?

Ўқувчи: «Жабрга қарши чикма» деган қарама-қаршиликни кўрамиз.

Савол-жавоблар буюк санъаткор ҳақида ўқувчи ва ўқитувчи тайёргарлигининг кам эканлиги, дарс сифатининг пастлигини равшан кўрсатиб турибди. Бу ерда диққатни тортадиган нарсаси ўқитувчи саволларининг ўйланмасдан, белгили бир муддаони кузатмасдан берилишидир. Бу хил саволлар серия натижасида Толстой ижоди ҳақида оз бўлса ҳам ёрқин тасаввур ҳосил қилиш мушкул. Ўқитувчи юқоридаги ғариб саволларни бериб, унга берилган жавобнинг тўғри, нотўғрилиги билан қизиқмайди, болаларнинг хатосини тузатмайди. Шунинг натижаси ўларок, хато ва саёз фикрлар бошқа ўқувчиларнинг зехнига ҳам сингиб боради. Ҳолбуки, ўқитувчи ҳар бир саволни ўйлаб, ҳар томонлама мўлжаллаб бериши ва мавзунинг маълум бир қисмини ёритиб олиши, ўқувчига энг муҳим нуқталарни англаб етишга ёрдам бериши зарур эди. Айниқса, адабиёт дарсида берилмайдиган савол маълум бир асарнинг у ёки бу жиҳатини равшанлатиши керак» деб ёзади. Юнус Латиф ўқитувчининг Л.Н. Толстой тўғрисидаги ўқувчиларга берган тўмтоқ ҳамда пролетар мафкуравий руҳга эга бўлган саволларига ишора қилган ҳолда, адабиётни синфий кураш тасвири ланадиган соҳага айлантириш керак эмаслигини ўта нозик шаклда қайд этиб ўтади.

Юнус Латиф Алишер Навоийнинг муҳиби, издоши, мутафаккир меросининг толмас тарғиботчиси бўлган. Буни у томонидан адиб ҳаёти ва ижодига бағишлаб ёзилган мақолалардан билишимиз мумкин. Юнус Латиф «Гулистон», «Ёш куч», «Вожатий» (Етакчи) журналлари ҳамда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ёш ленинчи», «Ўқитувчилар» газеталарида

«Навоий афоризмлари», «Гениал шоир, буюк гуманист», «Навоий», «Маҳбуб ул-қулуб» ҳақида, «Алишер Навоийга бағишланган кўргазма», «Навоий бадиий сўз устаси», «Хамса», «Садди Искандарий» достони, «Достонда халқ ва шоҳ», «Навоийда дин масаласи» номли мақолаларни эълон қилган.

Минг афсуски, кўплаб ўзбек зиёлилари қаторида Юнус Латифнинг бошига ҳам қатағоннинг қора булут соя солади. Юнус Латиф 1941 йилнинг 9 август куни қамоққа олинди ва ўша куннинг ўзиде уйда тинтув ўтказилиб унга тегишли бўлган барча китоблар, ҳужжатлар ҳамда қўлёзмалар олиб чиқиб кетилди. Тергов ҳужжатларига қараганда бу пайтда унинг отаси Латиф Райимов вафот этган бўлиб, хонадонда онаси, турмуш ўртоғи София Иброҳимова, акалари Содик, Юсуф, синглиси Башорат ҳамда укалари Носир ва Айюблар истиқомат қилар эди. Юнус Латиф қаттиқ қийноқ ҳамда руҳий босимларга қарамадан мардондор турди, тухматдан иборат аризаларга қўл қўймади. Эътиборли жиҳати шундаки, бўхтон ёзилган аризалар Юнус Латиф номидан тайёрланган бўлиб, аслида бу қонхўр НКВД жаллодларининг «ижод намунаси» эди. Терговчилар Юнус Латифнинг жиноий иши баҳонасида у билан бирга «Гулистон», «Ёш куч», «Вожатий» каби журналларда бирга ишлаган ҳамкасбларини ҳам занжир шаклида қатағон ўпқонига тортишни мақсад қилган эди. Унинг ҳамкасбларидан Комил Одилов, Тўхтасин Жалолов каби зиёлилар бевосита Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Ғозий Юнус каби зиёлиларнинг илмидан баҳраман бўлган эди.

(Юнус Латиф қамоқхонада. 1941 йил)


Юнус Латифга нисбатан ЎзССР жиноят кодексининг 66-67-моддаларида назарда тутилган, яъни аксилинқилобий ташкилот аъзоси, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланиб, 1942 йилнинг 12 августиде отиб ташланган. Бу «жиноят» бизга шундай муҳим хулосани беради: совет ҳукумати ҳатто Иккинчи жаҳон уруши кетган бир пайтда ҳам ўзбек халқи ичидан бир миллатпарвар зиёли чиқишига тоқат қилолмаган.

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида Юнус Латифнинг қуйида тўрт сатри эътиборимни тортди. Гуё у устоз ва ҳаммаслакларни бўлмиш Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Ғозий Юнус, Элбек ва Санжар Сиддиқлар каби қаттол тузумнинг совуқ ўқи кўкрагини тешиб ўтишини олдиндан билгандек:

Жон кўринмас йўлларда,
Титрамас япроқлар ҳам.
Бирозгина сабр этсин
Сал ўтиб, оларсан дам.

Юнус Латиф 1956 йилда оқланган.

**Муслимбек АЛИЖОНОВ,
«Қатағон қурбонлари хотираси» давлат музейи катта илмий ходими**



ДУНЁ КЎРГАН ОДАМ

(қабристонда кечган суҳбат)

Мақтабда Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» («Ўзбек характери» деган номда ҳам чиққан) ҳикоясини такрор-такрор ўқиганим ёдимда.

Ундаги қаҳрамонларга ўхшаш жайдари тақдирларни кўп бўлмаса-да, учратдим. Аммо бу галгиси чиндан мени ўзига маҳлиё қилди.

Ёзувчи ҳаёт бўлганида у билан кадрдон бўлиб кетардиқ, деган хаёлга ҳам бордим.



Хуллас, хизмат юзасидан Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги Сувти маҳалласида жойлашган «Ипакчи» қабристонига бўлдиқ. Тўрт томонимиз Индамаслар олами». Бу ерда на дарахт, на ўт-ўлан бор. Чунки сув йўқ. Қуёшнинг аёвсиз тафти борини ҳам куйдириб ташлаган. Қабрлар бағрида қовжираб ётган гуллар кўнгилни алла-нечук ўртаб юборади. Фақат биргина қари чинор гуркираб турибдики, ёзнинг чилласида келиб-кетувчи шунинг соясида ҳузур топади.

Тўлачадан келган, соч-соқоли оппоқ, бошидан дўпписи тушмайдиган Раҳим отани ўша чинор тагидаги сўрида учратдим. Ёзувчи айтган «ўзбек характери»даги жайдарилик, соддалик, тозалик шу нурунийнинг гап-сўзларида балқиб тургандай эди. Ҳозир бундайлар анқонинг уруғи, борлари ҳам замонавийлашиб, ҳамма қатори бўлиб кетгандай...

Раҳим отанинг ҳар бир сўзи менда ёзиғлик. Улардан бирор фалсафа излаш ҳам шарт эмас, шунчаки, содда халқнинг бир вакили ўз шеvasи ва тийнатиини йўқотмай умр кечирмоқда. Унинг сўзларида куюнчаклик, завқ, юмор, баъзида эса дунёсига кўл силтаган тирик жоннинг ғам-ғуссалари бор...

* * *

– **Биз ўзи асли фарғоналикмиз.** Дадамлар урушдан келганларидан кейин «военком» бўлганлар. Бизни Самарқандга жўнатишган. Мен у пайтда туғилмаганман. Апчам билан акам Қизлолада дунёга келди. Кейин дадам Янгибозорга «военком» бўлиб кетди. У ерда мен туғилганман. Оққўрғонга «военком» бўлганларида эса иккита укам туғилган. Дадамнинг 19 та «ранен»аси бўлган. Охирида ўпкасидагиси олиб кетди.

– **Урушдан орттирганмидилар?**

– Урушдан, урушдан. Дадам раҳматли 1938 йилда армияга кетганлар. Финландия жангларида қатнашган. 1941-йилларда армия 3 йиллик бўлган. Қайтаман деб турганларида уруш бошланиб қолган. Ушандан то «Рейхстаг»га байроқ илингунича фронтда бўлганлар. «Па-па-пам, па-пам» деб ашула айтиб юрганлар. Ўзбекча гапирмаганлар. Дадам генерал Собир Раҳимовни яхши танир эди-

лар. «Собиржон ўзбек миллатини ниҳоятда кучли ҳурмат қиларди. Ўзингни ўққа отма, «урра-урра» деб кетавермагин, деб ўзбекларни сақларди», дегандилар.

– **Улар яқин бўлишганми?**

– Албатта, Собир Раҳимов генерал-майор бўлган, бригадани бошқарган. Дадам раҳматли эса полкни бошқарган, артиллерияни. Расмлари бор. Ўша пайти давлат бизга ёрдам бермади. Бир тийин ҳам бергани йўқ. Бўлмаса дадамнинг уйдаги костюмлари орден ва медалларга тўла эди. Бир неча йиллар ялтираб турди. Кейин секин-секин йўқ бўлиб кетди. Майли, «зато» бизни дунёга келтирдилар-ку.

Онам раҳматли 37 ёшларида шу қабристонга қўйилган. Бир кунда. Шундай ётдилар, эрта билан турмадилар. Дадам, онам, аёлим... 3 яшар набира қизим ҳам шу ерда қўним топган. Ҳаммаларини тез-тез зиёрат қиламан, фақат анави қизчанинг олдига боролмайман, чидаб бўлмайди-да...

– А, Йўлдошали, бунақа қиз дунёга бошқа келмайди. Эртага туғилган кун қиламиз деб турибмиз, эртаминан Аллоҳга рихлат қилиб турибди-да. Роппа-роса уч ёш эди. Домла: «Бундай қизни Аллоҳ ўзига яратади», деди.

Ёнимизга бир нечта ёш болалар келиб қолди.

– Мана бунисиям неварара қизим. Болам бечора яқинда авария бўлди. Қўллари шунга синган...

Раҳим ота яна бир болага ишора қилди.

– Бу неварара ўғлимни домла қилмоқчи эдим. Бухорога ўқишини гаплашиб ҳам қўювдим. Тиловатларни шунақа зўр қилади... Айнидим...

– **Нега?**

– Баъзи домлаларнинг қилган қилиқлари менга ёқмаяпти. Шу ерда қанча ҳашар бўлди, маши ўртоғим гувоҳ, неччи марта чақирдим, домла келмади. Айтинг, келсин, 100 минг бераман, дедим...

– **Домла ҳашарга келмадими?**

– Бир дуо қилиб кетишга келмади. Роса хафа бўлдим.

Гапга Раҳим отанинг дўсти Йўлдошали ота қўшилди.

– Бултур мана шу навесни бошладик. Халқ-

нинг кучи билан бўлди. Буёғда иккита қабристон бор: Сувти ва Хонобод. Иккита маҳалла қўйиладиган жой шу...

Қабристонда одам юрадиган йўл йўқ эди. Менда халқдан йиғилган 1,5-2 млн пул бор. Шунга йўл қиламиз деб келишдик. Баҳорда аскарлар (ҳарбий хизматчилар) ёрдамга келиб қолди. Ишчи кучини Худо етказди. Кўчалардан яна пул йиғдик. 12 млн тўпланди. Шу билан текис йўл битиб қолди денг. Аммо аскарлар «законний» ишлади. Ҳаммаёқни «порядка» қилишди ўзиям.

Мудофаа вазирининг шахсан ўзи келди. Раҳим оғайним, «Қабристонга сув чиқаришнинг иложи борми?» деб сўради.

– Бўлди, гап йўқ, қабристонда «обязательно» сув бўлиши керак, – деди вазир.

Раҳим ота гапни илиб кетди.

– Мен хурсандман, 67 га кириб, вазирнинг тиригини кўрмаган эдим.

– Дода, биздан нима хизмат? – деди вазир.

– Битта неварам спорт жинниси. Шунини...

Вазир ўша заҳоти «военком»га топшириқ берди. Неварам 11-синфни битириши билан Мудофаа вазирлиги спорт клубида бир йил давомида жаҳон чемпионлари билан шуғулланар экан. Бир оғиз айтувдим-а. Бўлмаса, мен кимман – ҳеч ким.

Кетаётиб, ош еб ўтиргандик, эсингдами, Йўлдошали, чақирдишди. Чиқсам, вазир турибди.

– Дода, мен кетяпман, – деди.

– Уят бўлиб кетди, ўзим чиқардим, ошга киринг, – дедим.

– Раҳмат. Дода, неварангиз меники. Уша айтганимдек, Худо хоҳласа, жаҳон чемпионлари билан бирга хизмат қилади.

Номерини ҳам берувди, сақлаб қололмаман. Ўзи мен бировни телефон қилиб, безовта қилишни ёмон кўраман. Энди ердан чиққан одам бирданига кўтарилиб кетсам бўлмайди-да (Раҳим ота шарақлаб кулиб юборди).

Қабристонда ишлаётган 3-4 йигит биз билан саломлашди.

– Майда-чўйдасини олиб келибсан, анусиниям обкемайсанми, ичадиганлар бор эди (яна кулги кўтарилди).

– Ахволларинг яхшими? Ана шундай хайр-эҳсонлардан ҳеч қачон чарчама. Раҳмат, ўғлим, маладес.

Раҳим ота кулоғимга яқин келиб пичирлади:

– Буниям дадаси шўт-та. Камгап, яхши инсон эди раҳматли.

Кейин яна уларга юзланди.

– Нима бўлди анави авария?

– Обчқдик мошинани.

– 266-4 биланми? Ҳеч нарсадан қўрқмасин.

Амнистияга илиниб, чиқиб кетовради «любой» пайт.

Давра кулди.

– Мен айтдим, югурма.

Начальник милиция билан гаплашсам: «Дода, просто «перегруз»га штраф тўлайди», деди.

9 та одам бўлган. 5-6 кун тиқиб қўйиб, озгина уринглар, дедим. Начальник милиция оғайним, ҳазиллашаман-да...

Бояги қўли синган неварам бунинг бўласини «Дамас»ида бўлган, шўрлик.

Раҳим ота ҳеч кимга гап бермади.

– Мен бир нимага тушунмайман. Йўл носозлиги туфайли авария бўлган. Бу – яма.

6 метру 80 см келадиган йўл. Шундан булар 5,40 ига ўтиб кетган. Бу ямадан юриб бўлмади, юрса «Дамас» синиши керак. Бўлмаса «Дамас»ни «экватор» (эвакуатор демоқчи – муаллиф)га солиб олгин-да, бу ҳайдаб кетовради, сен устида ўтириб, рўлни ўйнаб кетавер, дедим (гуррос кулги).

Ҳа, айтганча, яқинда бўлган воқеа. Куёвим давлат хавфсизлигида ишлайди. Майор. Мошинасини урвопти. «Дада, тез етиб келинг», дейди.

– Хавфсизликда ишлайсан, майорсан, хавфсизликни майори ёрворади-ку, десам, «йўк, келинг», дейди-да.

– Бордим, аварияни тинчитдик. Қайтиб келадим, ўзимнинг «Жентра»мнинг ёнидан биттаси келиб урди-ку Тўйтепада (ҳозирги Нурафшон шаҳри – муаллиф).

Шафёр ёш йигит экан, «ота, кечқурун қисиб, уйда ўтирсангиз бўлмай-дими?» дейди.

– Сенинг мен билан нима ишинг бор? – дедим.

– Керак бўлса мошинани обчқолмайсиз, мани кимлигимни биласизми? – дейди.

– Манлама, дедим.

Ҳали вақт кўрсатади сен обчқолмайсанми, мен обчқолмайманми? Паст кетмадим. Мошинамни шутдан обкиролмайди керак бўлса, дедим. Срази таниш укамга телефон қилдим, питирлаб қолишди. Мен қўл қўйиб бермасам, чиқармайсан, дедим ҳазил-чин аралаш.

Бояги йигит у ёққа қўнғироқ қилди, бу ёққа қилди, хуллас, бир ярим ой олиб чиқолмади мошинасини. «Блат», дадаси таниш чиқиб қолса денг. «Э, Раҳим ака, сизмисиз?» деб турибди-да.

Кейин ўғлининг калласига шунақасига солдики...

Ишчилардан кимдир кетадиган бўлиб қолди. Раҳим ота дуо қилди:

– Омин, бахт бам-барисин, Хизир бувам дарсин. Касби корингларга умр, ризқингларга Аллоҳ баракатлар ато қилган бўлсин. Мана шундай хайрли ишларга каллангани қўшиб юрган экансан, мана шу ерда ётган етти пушти, хили-хиштини Аллоҳ раҳмат қилиб, руҳларини шоҳистаи жаннат қилган бўлсин. Аллоҳу акбар.

Келганлар кетишди. Раҳим ота давом этди.

– Ўзи халқ билан ишлаш қийин. Ҳамма ни эшитишнинг кераги йўқ. Мен, масалан, ўзим кўрдим. 13 йил бузилиб ётган кўприкни энди «вастановить» қилдик. Э, булар кўпчилик. Бошқаришга қаттиққўллик керак. «Как солдацкий» интизом. Мен Хабарск ўлкасида ҳарбий ҳаво кучларида хизмат қилганман. Парашютдан ташлаттирворишди. Шундан кейин, «бўлди, мен касалман», деб ётиб олдим.

– Касбинг нима? – дейишди.

– Касбим йўқ, повурман, дедим. Сўнг «столовий»га обориб қўйишди. Самарқандлик Бахти деган бола, кейин Қашқадарёнинг Шаҳрисабзидан Каримов фамилияли йигит бор эди. Иккаласи менга ошпазликни ўргатди. Йиғлама ош қилардим ўзиям. Кейин «офицерский столовий»га ўтиб кетдим. У ерда бир ярим йил ишладим. 68 кило бўлиб борганман, 131 кило бўлиб қайтиб келдим. Уйдагилар танимайди-да.

Келиб, тракторчилик қилдим колхозда. Одамлар бизни тўйга қўймасди. Ота-онамиз йўқ эди-да. У пайтлар етимлар ўғри, каззоб бўлади, деган фикр бор эди. Шукр, унақа бўлма-

дик. Ҳозир қурбимиз ҳар нарсаса келади. 20 йил чет давлатга қатнадим. Россия, Германия, Польша, Прибалтиканинг ҳамма бурчагини кездим, Беларусияда бўлдим. 5 та «КамАЗ», тўртта семон (цемент) ташийдиган, 3 та кран, 2 та автобусим бор эди. Шипр (шифер) завод, цемент заводларнинг эшиги менга ланг очик эди совет даврида. Бутун водийни семон ва шипр билан таъминлардим.

Раҳим ота ёнбошлаб, чойдан хўплади.

– Худо хоҳласа, эртага шийпоннинг устиям ёпилади-я, Йўлдошали?

Йўлдошали ота гап қўшди:

– Насиб. Аскарларнинг ичида Нурбек деган бола қаттиқ ишлар экан лекин. Сурхондарёнинг Сариосиёсидан. Ангренда хизмат қилар экан. Команда бўлиб, битта уйни қуриб беришди. Тилла болалар экан.

* * *

Раҳим ота сал нарида турган қабрга термилиб қолди.

– Оқтош турибди-ку катта. Уша кампиримники. Аёлим оғир бетоб эди. Қаратмаган жойим қолмади. Бор дунёимни сарф қилвордим. 3 йил ётди. Аллоҳнинг кўзи тўғри бўлди – 19 йил яшади яна. Битта гап айтсам, ишонмайсизлар. Аёлим ўлишини бир кун бурун билди.

– Дадаси, «уборка» қилинлар, эртага кетиб қоламан, – деди.

– Нима, фариштами-сан? – дедим.

– Ана, Аллоҳнинг фаришталари тепада турибди.

– Аллоҳнинг фаришталари қанақа бўларкан? – дедим.

– Кичкина-кичкина, оппоқ-оппоқ, орқасида билангузукдай қанотлари бор, – деди.

Шу-шу, эрта билан турди, «уборка» қилди. Кечга яқин бориб, «жойимни солиб беринглар», деди. Кейин опа-ука, ака-сингилларини чақиртирди. Ҳол-аҳвол, ризолик сўраб, соат 21:15 ларда жон берди. Эртаси бўлди. Ер тарашадай қотган пайтлармасми, 12 ларгача тайёрласак ҳам, дедим. 11 ларда қабр тайёр деган хабар келиб турибди.

– Кеча бир қабрни қазолмадинглар-ку, қандай бўлди, десам, «онанинг тупроқлари роса юмшоқ чиқди», дейишди.

Бир ўғил, икки қизни катта қилдик. Ҳозир 66 дан 67 га ўтяпмиз. Қанча умримиз бор, Худо билади. Кампиримнинг

олдидаги жой меники. Ишқилиб, тоза бетим, ғурурим билан борайин олдига.

* * *

– Ҳозир нима ишлар билан банд-сиз?

– Мен арманлар уюшмаси раиси Карл Жоржикувич билан айрон чиқараман.

20 йилдан бери Тошкент шаҳрининг қоқ «центр»ига жойлашиб олганман.

«Крестик»да. Арманлар мени алдайди, мен арманларни алдайман (қаттиқ кулги).

Шундай бўлсам, нима қилай? Агар кимнидир ёмонлаб қўйсам, бориб айтаман: «Оғайни, бугун сен ҳақингда фалончига шунақа деб қўйдим, агар келиб айтса, эшитганман, деб қўй», дейман (яна кулишамиз).

Шундай қилиб яшаб юрибмиз, ука.

Айтганча, шаҳар қабристонларида жой талаш бўлиб қолибди. Бир Кенжавой деган танишимиз бор. Бир қабрга бештаси кирди. Аёли,

энаси, отаси кирди. Ана энди қизи кирди. Фақат куёвни киргизиб бўлмас экан.

– Нега?

– Охирида «ёв»и бор бўлгани учундир-да...

Лекин қайнона ўлганда куёв орқасидан бормаслиги керак экан.

– Нега?

– Домла шунақа деди.

– Нега унақа деди?

– Билмасам, мен бо-равердим. Қабрга қўйгунча «вой онам, вой онам»лаб турдим.

Аёлим билан 43 йил яшаган бўлсам, мана, қабристонда турибмиз, бир кун уйига аразлаб кетгани йўқ раҳматли. Мени маъбуд деб биларди. Майли, умри қисқа бўлмади, 63 ёшида Аллоҳнинг ҳузурига кетди. Ишқилиб, ёмон яшамади. Бяғини берсин энди. Бир кун биз ҳам шу ернинг эгаси бўламиз.

...Ниҳоят, қабристонга ҳам сув чиқди.

– Энди дарахтлар экамиз, кўклам қиламиз, – деди севиниб маҳалла раиси. Жамоа дуо қилди.



«Vatanparvar» мухбири катта лейтенант Бобур ЭЛМУРОДОВ оққа кўчирди.

МАГИСТР ДАРАЖАСИ БЕРИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида Ҳарбий хавфсизлик ва давлат мудофааси факультетининг «Қўшинларнинг оператив-тактик штаб қўмондонлиги» мутахассислиги битирувига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари генерал-майор Ҳамдам Қаршиев, Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари қўмондони полковник Ҳасан Ботиров, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов, Ўзбекистон халқ артисти Мухаммадали Абдукундузов, Қуролли Кучлар академияси бошлиғи полковник Бобур Шоякубов ва бошқалар иштирок этди.

Тадбирда қайд этилганидек, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, ҳарбий бошқарув соҳасидаги ҳамда оператив-тактик бўғиндаги офицерларни тайёрлаш мақсадида мазкур академиянинг Ҳарбий хавфсизлик ва давлат мудофааси факультетида «Қўшинларнинг оператив-тактик штаб

қўмондонлиги» мутахассислиги бўйича юқори малакали кадрлар замонавий билимларга эга бўлмоқда. Айтилишича, қадар ушбу ихтисосликни Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати ва Миллий гвардия каби куч тузилмаларидан мингдан ортиқ офицер тамомлади. Тантанали маросимда сўзга чиққанлар битирувчиларга келгуси хизмат фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади. Шундан сўнг битирувчилар лавозимларга тайинланиб, уларга диплом ва кўкрак нишонлари тантанали тарзда топширилди.

– Икки йил давомида қўшилмаларни бошқариш, жанговар-ўқув машғулотларини олиб боришнинг замонавий усул ва шакллари бўйича назарий ва амалий кўникмаларимизни бойитдик, – дейди подполковник Зулфиддин Ҳусанов. – Шунингдек, таълим жараёнида замонавий қуролли тўқнашувларда қўшинлар ҳаракатлари, томонларнинг ютуқ ва камчиликларини чуқур ўрганиш, хулоса ва таҳлил қилиш қобилиятимизни

малакали устозлар қўмағида мустаҳкамладик. Магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва уни ҳимоя қилиш, илмий изланиш ҳамда тадқиқотлар ўтказиш давомида биз замонавий қуролли тўқнашувларнинг охири натижалари ва уларнинг ривожланиш тенденциясини олдиндан кўра билиш бўйича кўникмаларга эга бўлдик. Барча олган билим ва кўникмаларимизни замонавий компьютер технологияларини кенг қўллаган ҳолда амалиётга жорий қилиб, ўқувларни янгича кўринишда ташкил этиш малакасини эгаллаганимиздан мамнунмиз.

Тадбир якунида Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

Шу куни Қуролли Кучлар академияси Хорижий ҳарбий кадрларни тайёрлаш махсус факультетида Тожикистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари ҳам «Қўшинларнинг оператив-тактик штаб қўмондонлиги» мутахассислиги бўйича икки йиллик таҳсилни тамомлади.

Ҳозирги кунда ушбу академияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасаларида хорижий давлатлар ҳарбий кадрларини тайёрлаш ва ўқитиш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда икки мамлакат Мудофаа вазирликлари ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, хорижий тингловчилар таълим олмақда. Шундан салмоқли қисмини тожикистонлик офицерлар ташкил этади.

Битирувчиларга мудофаа вазирининг тегишли буйруғига асосан, академия бошлиғи томонидан диплом ва кўкрак нишонлари топширилди. Майор Эмомали Мухаммаджони битирувчилар номидан сўзга чиқиб, академиянинг икки йил мобайнида беминнат сабоқ берган юқори малакали профессор-ўқитувчиларига самимий миннатдорлик билдирди.

Катта лейтенант Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»



КАСБИЙ ТАЖРИБАГА

Жорий йил Мудофаа вазирлигига қарашли олий ҳарбий таълим муассасаларини тамомлаб, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинларида хизмат фаолиятини бошлаётган ёш офицерлар билан ўқув-услубий йиғин ўтказилди. Елкасига яқиндагина «лейтенант» ҳарбий унвонини таққан бу ёш офицерлар эндиликда жанговар бўлинмаларда командирлик лавозимларини қабул қилиб, нафақат ўзининг, балки бутун шахсий таркибнинг доимий жанговар шайлигини ушлаб туриш каби масъулиятли вазифага киришади.

ЭГА БЎЛИШДИ



Маълумки, малакали ҳарбий кадрлар захирасини яратиш, уларни тарбиялаш ҳамда қўшинларда муносиб ўрнини топишига кўмаклашиш давлатимизнинг мудофаа соҳасидаги сиёсатининг муҳим бўғини ҳисобланади. Бу борада эса албатта, Қуролли Кучлар сафига йўлланган ёш офицерлар учун ўтказиладиган ўқув-услубий йиғин ва машғулотларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Бундан мақсад, жанговар бўлинмаларда офицерлик шаъни ва кадр-қимматини сақлаш, командир ва бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатларни қонунлар ва



Умумҳарбий низомлар талаблари доирасида ушлаб туриш, бўлинмада соғлом, рақобатбардош муҳитни мустаҳкамлаш ҳамда ёш офицерларнинг лавозим билан юклатилган хизмат мажбуриятларини бажаришга тез киришиб кетишини таъминлашдир.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округнинг Нукус гарнизони ҳарбий қисм ва муассасалари негизида ўтказилган ўқув машғулотларининг ҳар бир дақиқаси қатъий режа асосида, етук ва тажрибали офицерлар ҳамда малакали йўриқчи сержантлар иштирокида бўлиб ўтди.

Албатта, ҳар соҳада юксак профессионалликка тажриба орқали эришилади. Зотан, тажриба – қўлга киритилажак барча ютуқ ва муваффақиятларнинг бош омили саналади. Шунинг учун ҳам олий ҳарбий таълим муассасаларини тамомлаган ёш офицерлар қўшинларда фаолият бошлаган илк даврлардан оқ пухта билим, маҳорат ва лидерлик хусусиятларини ўзлаштиришлари талаб этилади. Бу борада ўтказиладиган машғулотлар орқали йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилади, билимлар мустаҳкамланади, шу орқали тажриба орттирилади.

Бу галги йиғин давомида ҳам ёш офицерларга шахсий таркиб билан ишлашни ўрганиш, муомала маданияти, бўлинмаларда интизомни мустаҳкамлаш ва сақлаш, бўйсунувчилар билан жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотларини сифатли ташкил этиш бўйича маҳорат дарслари ўтказилди. Энг муҳими, йиғинда ҳар бир лейтенант билан индивидуал тарзда ишлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, йиғин доирасида иштирокчилар учун мустақил тайёргарлик машғулотлари ҳам ташкил этилди.

Ёш офицерларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун эса маданий ҳордиқ чиқариш тадбирлари, музейларга саёҳат, спорт ва интеллектуал ўйинлар ташкиллаштирилди. Соғлом рақобат руҳи остида ўтказилган беллашувлар йиғин иштирокчиларини жипслаштиргани билан аҳамиятлидир.

**Подполковник
 Тимур НАРЗИЕВ,
 Шимоли-ғарбий
 ҳарбий округ
 матбуот хизмати бошлиғи**

МУРОСА ҚИЛИШНИ БИЛИНГ



Кишилиқ жамиятида яшашга маҳкум экансиз, сиз хоҳлайсизми-йўқми, барибир ҳар куни ўнлаб турфа хил одамлар билан тўқнашишга, алоқа ўрнатишга, мулоқотга киришишга, олди-берди қилишга тўғри келади. Улар яхши ва ёмон, софдил ва ғирром, ҳақиқатгўй ва алдамчи, оқил ва аҳмоқ, ҳалим ва серғазаб, улфат ва ғаним бўлади. Дунёдаги одамларнинг ана шундай турфа хил қилиб яратилганининг сиз билан биз билмайдиган сирлари, илоҳий ҳикматлари бор. Вазифа эса ҳамма билан муроса қилиш, ҳар бир инсоннинг қалбига йўл топа олиш, ёвузлик қилганга эзгулик билан жавоб қайтаришдан иборат.

Мана, ишхонангизда бўлган мажлисда бошлигингиз кутилмаганда ҳе йўқ, бе йўқ, сизни роса танқид қилди, дейлик. Тўғри, касбдошларингиз даврасида шаънингизга айтилган тухмат гапларни индамай эшитиб ўтириш оғир. Бу гаплар иззат-нафсингизга қаттиқ тегади, юрагингиздаги чандик яна биттага кўпаяди. Бошлиққа нордонгина жавоб қайтариш қўлингиздан ҳам келарди. Лекин бу ҳам масаланинг тўғри ечими эмас, у жимгина эшитиб, индамай кета қолмайди. Бундай ҳолатларда қандай йўл тутган маъқул?

Ҳар бир кўргилиқдан ҳикмат қидиринг, ҳар бир фожиадан яхшилик изланг. Бўлиб ўтаётган ҳодисага зийрак кўз билан боқинг: «Эҳтимол, бошлиғининг ҳозирги кайфияти чатоқдир, асаби бузилгандир, балки, у ҳам идорадан дакки эшитиб келгандир, аламини кимгадир сочиши керак-ку. Ахир унинг гап эшитишида ҳаммамизнинг ҳам «ҳисса»миз бор-да, раҳбар бўлиш осонми? Ўзим ҳам кейинги пайтларда ишга анча бепарво бўлиб қолгандим, балки, ўзим билмаган ҳа-толарим кўпдир» каби тахмин-мулоҳазалар билан ўзингизни овутинг. Булар ҳам безовта қалбингизга, қақшаган асабингизга малҳам бўлмасам, унда янада чуқурроқ фикрлашга ўтинг: «Бошга ҳар не келса, бировданмас, ўзингиздан кўр, тақдиримда бугун дакки эшитиш ёзилган бўлгач, истасам ҳам, истасам ҳам, албатта унга рўпара бўлиш бор, қазага рози бўлмаслик оқил кишиларга хос эмас, майли, бундан кейин топширилган ишга бунақа бепарво бўлмайман».

Шунда ҳамма нарса ўз жойига келади: бошлиқ ҳам ғазабдан тушган, сизнинг ҳам асабингиз жойида, ҳамкасблар ҳам виждон оғригидан

кутулиб қолган, сизларни уриштирмақчи бўлган «шайтоннинг бўйни узилиб тушган».

...Икки баобрў дўст қуда-анда бўлди. Икковларининг фарзандлари ҳам оилада ёлғиз улғайган эди. Табиийки, катта мансаблар эгаси, топиш-тутиши яхши бўлган икки биродар дилбандларини ҳеч нарсадан қисмай, айтганини муҳайё қилиб, папалаб ўстирган. Тўйдан беш-олти ой ўтмаёқ янги оила ахиллигига дарз кета бошлади. Келин-куёв ёшликка бориб, бўлар-бўлмас ишлардан ғишава чиқара бошлади, «деди-деди»лар кўпайиб кетди. Қудалардан ёши улуғи ва мансаби кичикроғи ҳаёт тажрибасига суянган ҳолда, ёшларга панд-насихат қилиб, уларни муросага чорласа, келиннинг отаси ўз мавқе-мартабаси ва мол-дунёсининг ҳароратига маст бўлиб, қудасига «хали кимлигини кўрсатиб қўйиши, қизини «хўрлаш»ларига йўл қўя олмаслиги» билан дўқ уриб, вазиятни баттар чигаллаштиради. Ҳатто «гап уқмас» қудасига таъсир кўрсатиш учун унинг хонадонига бир неча бор маҳалла оқсоқолларини, дўстларини бошлаб бориб, «муҳокама қилиб» келди. Куёвини ҳузурига чорлаб, танбех берди, қизини ажратиш олиш билан қўрқитди.

Ваҳоланки, куёв бечора ичмас, чекмас, бузуқ ва гуноҳ ишлар билан шуғулланмас, бор айби хотинини йўлга солиш, ундан итоат кутган холос. Фарзанд ширин, икки қуданинг хотиржамлиги, ҳаловати, фароғатига раҳна етди. Ўртада қизариб-бўзаришлар ҳам бўлиб ўтди. Ҳатто келиннинг оиласидагилар қудаларининг жанжаллашишдан қочаётганини, гап талашилардан ўзини четга олаётганини, инсоний андишасини бошқа нарсага йўйди: «Айби борки, гиринг дея олмаяпти! Йўқса

айтмайдими ичидаги гапларини, шунчалик кўрқаркансан, ўғлингни йўлга солсанг ўласанми?!»

Катта қуданинг сабридан, «индамаслиги»дан бошқаларнинг бошига иш тушганини кўриб роҳатланидиган ғаламис кимсалар яйраб, ғийбат бозорини қизитди. Икки қуданинг хонадони анча вақтгача ғам-алам ва ғурбат масканига айланди. Бир-бирларига хусуматлари кучайди, ўртадан парда кўтарилди. Орадан ойлар ўтди. Ёшлар аста-секин турмуш деб аталган мураккаб жараённинг сир-асрорларини, талаб-қоидаларини англаб етди, кўзлари очилди. Бир-бири билан синашта бўлиб, ҳаётлари маромига тушди. Бунинг ортидан қудалар ҳам «ярашиб» кетди. Фақат ўртада йўқ ердан туғилган совуқчилик, юракларга тушган дарз қолди. «Вақт энг яхши табиб», деганларидай, аста-секин дил яралари ҳам тузалиб кетди.

Энди ўзимизга битта савол берайлик: мана шу машаада катта қуда босиқлик қилмай, муроса йўлини тутмай, қудасига ўхшаб қизикқонлик қилганида, обрў-мавқе талашганида, нафсониятини ўйлаганида охири нима билан тугар эди? Уруш-жанжаллар авжига чиққан, иккала оиладагилар бир-бирлари билан ёвлашган, асаблар таранглашган, соғлиқлар йўқотилган, ҳақорат-муштлашишлар, ҳатто судлашишгача борилган бўлар эди. Охири тоқатлар бардош бера олмай, келин-куёв ажрашиб кетган, ўртада туғилажак фарзанд ҳатто отасини кўрмай етимликда улғаярди. Бундан кимга фойда бўлардию, кимга эса зарар?!

Одамлар билан муносабатларда сиз ҳаммаша муроса йўлини тутинг, ҳар бир ноқулай ҳолатдан чиқиб кетиш йўлини қидиринг, ёмонликни эзгу мақсад сари буриб юборинг, ҳалимлик ва тавозе каби ҳислатларни намойиш қилинг. Кимдир сизга душманлик қилса, сиз унга ёрдамга шайланг. Кимдир ғийбат қилса, сиз унга муҳаббатингизни билдиринг. Сўкканга кучоғингизни очинг. Шу йўл билан сиз уларнинг хусумат «қилич»ларини синдирасиз, ғазаб «олов»ларини ўчирасиз, қалбларидеги нафрат «муз»ларини эритиб юборасиз, қазиган чоҳларини ўзларига кўмдирасиз.

Қўшничилик муносабатларида ғаразлар, тушунмовчиликлар, маш-машалар, хусуматлар, уриш-жанжаллар айниқса кўп учрайди. Арзимас сабаблар, тағи йўқ гаплар туфайли кўп қўшнилар бир-биридан аразлаб юради, ғижиллашади, судлашишгача боришади. Ахлоқ талабларига кўра, қўшнилар билан яхши муомалада бўлишимиз, ёрдам ёки қарз сўраса, беришимиз, касал бўлса, ҳолидан хабар олишимиз, йўқлигида уйи ва оиласини ҳимоя қилишимиз, унга зарар ёки қийинчилик туғдирмаслигимиз керак. Туркистоннинг улуғ олими ва жамоат арбоби Алихонтўра Соғуний: «Бугун қўшнимиз ҳам овқат еяптими? Агар улар оч қолган бўлса, бугун овқатимизни уларга беришимиз ёки уларнинг овқат топадиган кунларини кутишимиз керак», дер экан. Ҳасан Басрий айтиди: «Яхши қўшничилик қўшнига зарар беришдан тийилиш эмас, балки қўшни тарафидан келган зарарга сабр қилишдир». Маҳмуд Кошғарий эса: «Чиябўри қўшничиликка риоя қилиб, қўшнисини емайди», деган.

Бир танишини шундай ҳикоя қилади: «Инсончилик экан, бир куни ишдан келсам, уйда ёлғиз қолган фарзандлар бепарволик қилиб, пастдаги қўшничиликга сув оқизиб юборибди. Фалокат кўлами ҳақиқатдан салмоқли: яқиндагина таъмирдан чиққан деворларда сув изи, гиламлар ивиган, шифтнинг

сувоғи кўчиб тушган, хонадон соҳиба-си аламидан нуқул лабини тишлайди. Унинг ҳолатини тушундим. Дарров етказилган зарарнинг товонини тўлашга розилигимни билдирдим. Гиламларини кўплашиб ташқарига чиқариб ёйдик. Поллардаги сувни биргалашиб тозаладик. Хуллас, аламлар тарқади, муносабатлар изига тушди, ҳанузгача орамиздан қил ўтмайдиган ахилмиз. Агар ўшанда осмондан келиб, «Нима бўпти, ҳамманинг бошида бор бу кўргилик, болаларга айтиб қўяман, энди сув оқизмайди», деган гаплар билан асабини ўйнаганимда ўзимга бир умр-ли душман орттирган бўлардим».

Ҳусайн Воиз Кошифий айтиди: «Гўзал феъл-атворнинг нишониси ўн нарсадир: биринчи нишониси – яхшилик, иккинчиси – инсофли бўлиш, учинчиси – бошқа одамдан айб қидирмаслик, тўртинчиси – бирор кишида ножўя ҳаракат кўрса, уни яхши йўлга бошлаш, бешинчиси – айбига иқроор бўлиб келганнинг узрини қабул қилиш, олтинчиси – бошқалар машаққатини зиммага олиш, еттинчиси – фақат ўз манфаатини кўзламаслик, саккизинчиси – очик юзли, ширин сўзли бўлиш, тўққизинчиси – муҳтожлар ҳолатини чиқариш, ўнинчиси – мулоим ва тавозели бўлиш».

Ёки Абу Ҳомид Ғаззолий бундай деган: «Кишилардан ўзингга нисбатан қандай муомала кутсанг, уларга ўзинг ҳам худди шундай муомала қилгин».

Одамлардан етган озорларга чидаш ва сабр қилиш, ёмонлик қилганларни кечира олиш ва улардан ўч олмаслик, ҳаммаша ҳусни хулқ соҳиби бўлиш аждодларимиз шўҳратини оламга ёйган фазилатлардан бўлган. Тарихда бунга жуда мисол кўп. Абу Усмон ал-Хирий деган улуғ олим ва тасаввуф шайхи бир куни кўчадан ўтиб кетаётса, устига катта бир идишдаги қулни ташлаб юборишибди. У киши отдан тушиб, дарров шукр саждасини қилибди, сўнг кийимларидаги чангни қоқиб, индамай кета бошлабди. Одамлар: «Ҳеч бўлма-са қул тўкканларни сўкиб қўймадингиз-а», дейишса, «Оловга ҳақли бўлган одам қул билан сулҳ тузса, ғазаб қилишнинг нима ҳождати бор?» деб жавоб қилган экан.

Бир ривоятда келишича, тикувчи Абу Абдуллоҳнинг бир мажусий мижози бор эди. У нима кийим тиктирса ҳам, ҳақиқа қалбаки дирхам бериб кетар эди. Абу Абдуллоҳ дирхамларни индамай олар, қалбакилигини билдирмас, қайтариб ҳам бермас эди. Бир куни у ўз юмушлари билан бошқа жойга кетса, баъзи чокларини тиктиргани ўша мажусий келди. Устанинг йўқлигини кўриб, шогирдига иш буюрди. Буюртмаси битгач, ҳақиқа қалбаки дирхам берди. Шогирд эса унинг қалбакилигини билиб қолиб, уни мажусийга қайтариб берди. Бўлган воқеадан хабар топган Абу Абдуллоҳ шогирдига: «Ёмон иш қилибсан, бу мажусий бир йилдан буён менга шундай муносабат қилиб келади, мен эса сабр қиламан. Бошқа кишиларни ҳам қалбаки дирхамлар билан алдаб қўймаглиги учун ундан пулларни олиб, қудуққа ташлаб юборар эдим», деди.

Атрофингиздаги одамлар билан ихтилофга бормаслик, уларни кечира билиш, узрини қабул қилиш, сизга озор етказишганида уларга сабр қилиш хотиржам, осойишта ҳаётингизнинг гаровидир. Бир оғиз сўздан қолинг, ўч олиш деган ниятдан қочинг, одамларнинг ёмонлигини яхшиликка йўйинг. Шундай ҳолатларда иззат-нафсингиз қийналмасин, юрагингиз сиқилмасин, обрўни бой бергандай бўлманг. Бунда асло ютказмайсиз. Сизнинг шу йўл билан эришган хотиржамлигингизни ҳеч қандай пул ёки мол билан ўлчаб бўлмайди. Энг асосийси, ўзингиз жуда кўп кўнгилсизлик, фитна-хусуматларга чап берган, ҳаётингизни безаган бўласиз.

ISLOHOTLAR SAMARASI

Navoiy viloyatida "Vatanparvar" tashkiloti Karmana tumani o'quv sport-texnika klubining yangi zamonaviy binosi foydalanishga topshirildi.



Binoning ochilish marosimida O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti markaziy kengashi raisi Husan Botirov, Navoiy viloyati kengashi hamda uning tasarrufidagi tuman va shahar o'quv muassasalari rahbarlari, tuman hokimligi vakillari, mahalla faollari hamda yoshlar ishtirok etdi.

Tadbir boshida Husan Botirov so'zga chiqib, foydalanishga topshirilayotgan o'quv muassasasi binosi Karmana tumani ravnaqi yo'lida xizmat qilishi, jumladan unda aholi, ayniqsa yoshlar mehnat bozorida talab yuqori bo'lgan kasblarni egallashlari hamda sportning texnik va amaliy turlari bilan shug'ullanib, muvaffaqiyat qozonishlarini ishonch bilan ta'kidladi.

So'ngra mehmonlar uchun yangi bino ichkarisida ekskursiya uyushtirildi. Bino ikki qavatdan iborat bo'lib, uning hovli qismida bir nechta sportchilar shug'ullanish imkoniyatiga ega bo'lgan o'q otish sport seksiyasi, mexanik va tibbiyot xonalari joylashgan. Binoning asosiy qismida esa haydovchilik kasbini o'rganishga mo'ljallangan, innovatsion texnologiyalar bilan jihozlangan, yiliga 700 nafarga yaqin avtomototransport haydovchisini tayyorlash quvvatiga ega zamonaviy sinfxonalar mavjud.

Yaratilgan shart-sharoitlar barcha tashrif buyuruvchilarda katta taassurot qoldirdi.

KENGASH RAISLARI SAYLANDI

O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti Xorazm viloyati kengashida davlat va jamoat tashkilotlari vakillaridan iborat delegatlar ishtirokida navbatdagi konferensiya bo'lib o'tdi.



Unda viloyat kengashi raisi Davronbek Ibragimov so'nggi besh yil davomida hududiy kengash tomonidan aholi, ayniqsa yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ular orasida sportning texnik va amaliy turlarini ommalashtirish hamda mehnat bozorida talab yuqori bo'lgan texnik kasb mutaxassislarini tayyorlash bo'yicha amalga oshirilgan ishlar yuzasidan hisobot berdi. Hisobot delegatlar tomonidan qabul qilindi.

Konferensiyadan so'ng "Vatanparvar" tashkiloti Xorazm viloyati kengashining 1-tashkiliy yig'ilishi bo'lib o'tdi. Unda tashkiliy masalalar ko'rib, D. Ibragimov bir ovozdan yangi muddatga viloyat kengashi raisi etib saylandi. Delegatlar tashkilotning bir qator rahbar xodimlarini ham tegishli lavozimlarga sayladi.

Shuningdek, "Vatanparvar" tashkiloti Qoraqalpog'iston Respublikasi kengashida bo'lib o'tgan navbatdagi konferensiyada kengash raisi Kuvatbay Razbekovning so'nggi besh yil davomida amalga oshirilgan ishlar yuzasidan hisoboti eshitildi. Yig'ilishda tashkiliy masalalar ko'rib, K. Razbekov delegatlar tomonidan yangi muddatga tashkilotning Qoraqalpog'iston Respublikasi kengashi raisi etib saylandi.

O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi
"Vatanparvar" tashkiloti matbuot xizmati

ISLOHOT

Bugungi kunda Mudofaa vazirligi qo'shinlarida fan va texnikaning rivojlanishi bilan bir qatorda, yangi harbiy obyektlar, yuqori jangovar shaykka ega murakkab harbiy texnika va qurol-aslahalar ham foydalanishga topshirilmoqda.

YANGI YONG'IN O'CHIRISH AVTOMOBILLARI SAFDA



Ulardan avariyasiz, shaxsiy tarkibning jarohatlanishsiz foydalanish bir necha omillarga bog'liq. Ushbu omillardan biri harbiy qism va muassasalarda yong'in xavfsizligi holati talab darajasida ta'minlanganligiga e'tibor qaratishdir.

Farg'ona garnizonidagi harbiy qism yong'in o'chirish komandasiga yangi

AS-40 "KamAZ-43253" asosiy yong'in o'chirish avtomobillarining kalit va hujjatlari seksiya komandirlariga Sharqiy harbiy okrug qo'shinlari qo'mondonining o'rinbosari polkovnik Zafar Bazarbayev tomonidan tantanali ravishda topshirildi.

So'zga chiqqanlar ushbu texnikalar harbiy shaharchalarda shaxsiy

tarkibning hayoti va sog'lig'ini, shuningdek harbiy obyektlarni yong'indan muhofaza qilish hamda yong'in profilaktika tadbirlarini muntazam ravishda olib borishda muhim ahamiyat kasb etishini ta'kidladi.

Mayor Baxtiyor ERGASHEV

Бугунги қаҳрамонимиз спортда муносиб ўрнини топган ёшлардан. Унинг ўз ҳаётий фалсафаси, интиладиган чўққилари ва орзулари бир талай. MMA (*Mixed martial arts – аралаш жанг санъати*) спорт мухлислари орасида «Темурлан» номи билан танилиб бораётган қашқадарёлик кичик сержант Рамазон Темиров 1997 йил Қарши шаҳрида туғилган. Болалигидан кўл жанги ва каратэ билан шуғулланган. Каратэ бўйича кўп карра Ўзбекистон чемпиони.

2017 йилда кўл жанги бўйича Осиё чемпиони ва халқаро мусобақалар совриндори бўлган.

«ИНСОН АВАЛО ЎЗИНИ ЕНГИШИ КЕРАК»



БОЛАЛИК ДАВРИ

– Оилада тўнғич фарзандман. Мендан кейин яна 3 нафар укам бор. Улар ҳам спорт билан шуғулланишади. Ота-онам тарбиямизга анча қаттиққўл бўлишган. Мактабда ҳам яхши баҳоларга ўқиганман. Синфимиздаги дўстларимни, айниқса қизларни бошқа синф болаларидан ҳимоя қилиб юрардим. Бунинг устига синф сардори бўлганман. Мактаб дарсларидан вақт орттириб, спорт машғулотларига ҳам борардим. Ўшанда менга спорт залига бориб, машғулотларда иштирок этишдан ортиқ бахт бўлмаган. Бирор касбга меҳр берсангиз, албатта натижага эришар экансиз. Бунинг учун инсонда сабр, матонат ва метин ирода бўлиши керак экан. Мактаб ўқувчиси учун бадантарбия билан шуғулланиш мақсадида ҳар тонг кўёш чиқмасдан уйқудан уйғониш қанчалик қийинлигини аксарият дўстларимиз инкор этмаса керак. Тенгдошларим орасида ҳам, мендан олдинги акаларимиз орасида ҳам

спортни ташлаб кетишида ўзини енга олмасликлари сабаб бўлган. Ўзингизда кизиқиш бўлмас экан, бировнинг қистови билан барибир узоққа бориб бўлмайди. Шунинг учун инсон, аввало ўзини ўзи енгишни ўрганиши керак. Ўшандагина ўзгаларни енгиш осонроқ бўлади.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ

– Тан олиб айтишим керак, бир йиллик муддатли ҳарбий хизматга умуман боришни истаманман. Мен қанчалик норози бўлмай, ота-онамнинг қистови билан Тошкент ҳарбий округида бир йил муддатли ҳарбий хизматни ўтадим. Ҳарбий қисм раҳбариятига спорт билан шуғулланишимга имконият яратиб беришларини сўраганимда улар ҳеч иккиланмасдан барча шароитларни яратиб беришди. Хизмат даврида мусобақаларга қатнаша бошладим. Округ шаънини ҳимоя қилиб, мусобақаларда ғолиб бўлдим. Аслида мен спортни ҳарбий хизмат учун ташлагим келмаганлигидан армияга

бормоқчи эмас эдим. Аммо амалда барчаси аксинча бўлиб чиқди. Спорт ҳам жойида, хизмат ҳам. Ҳарбий қисмдаги шарт-шароит рисоладагидек эди. Шароитларни ўз кўзим билан кўрганимдан кейин ёшларга ҳарбий хизматга бориш кераклигини тавсия қила бошладим.

Армия ҳақиқий ҳаёт мактаби экан. Ҳамма нарса тартиб ва интизом устига қурилган. Мен бошида айтганим, инсон ўзини ўзи енгишни ўрганиш учун ҳам армияга бориш керак. Кийимингни ўзинг ювсан, вақтида дам олиб, вақтида овқатланасан. Ҳатто бундай шароитни уйдагилар ҳам қилиб беролмайди. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатишни ҳам, яна энг асосийси, ғаниматларимиз бўлган ота-онамизнинг қадрига етишни ҳам армия ўргатади.

ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТ

– 2015 йилдан буён профессионал спортданман. Тюменда «Empire Fighting Championship 10» турнири доирасида дебют қилганман ва ғалаба қозондим. Мағлубият аламини тотмаган инсон спортчи бўла олмайди. Мағлубият одатда профессионаллик томон етаклайди. «Gorilla Fighting Championships», «LFC», «Octagon League» ва «Muradov Professional League» каби промоушен турнирларида мунтазам қатнашиб, ғолиб бўлишимда ҳам мағлубият аламини тотиб кўрганлигим асос бўлган деб ўйлайман.

Аралаш жанг санъати билан шуғулланадиган спортчилар билан шартнома имзоладиган дунёдаги етакчи спорт ташкилоти бўлган Япониянинг Rizin fighting federation (*қисқартмаси Rizin ёки Rizin FF*) промоутерлик компанияси билан келишувга эришдик. Rizin билан ҳали бирор ўзбекистонлик шартнома имзоламаган экан. Мен биринчи бўлдим. Бундай тарихий ҳолат албатта ёқимли. Ушбу келишувга мувофиқ, шартнома доирасида 3 та жанг ўтказилиши керак эди. Жорий йилнинг 6 май куни ўз дебютини маҳаллий жангчи – Юта Хамамотога қарши ўтказдим ва рақибни биринчи раунднинг ўзидаёқ мағлуб этдим. Шу тариқа янги промоушендаги илк жангим ҳам ғалаба билан бошланди. 24 сентябрь куни иккинчи жангни ўтказиш учун яна Япониядаги октагонга кўтариламан. Менга кўплаб ташкилотлардан таклиф берилди. Бироқ мен айнан Rizin'ни танладим. Чунки бу ташкилотдан UFC' га ўтиш осон. Rizin'да допинг текширувлар бўлади. Бу ерда UFC собиқ жангчилари октагонга кўтарилади. Бу жуда кучли лига.

МОТИВАЦИЯ

– Ота-онамдан мотивация оламан. Уйга бориб, уларни зимдан кузатаман. Кексалик оралаган юзлари ва кўзларига термилиб ўтирганча, тезроқ уларга яхши яшашлари учун имкониятлар қилиб беришга шошилишим кераклигини ҳис қиламан. Менинг спортдаги натижаларим уларни қувонтираётган экан, демак, мен икки карра тезроқ уларни хурсанд бўлишлари учун ҳаракат қилишим кераклигини англайман. Мен ота-онамнинг тирикчилик илинжида биз учун яшаб, ўзларига кўзи қиймаган ҳолатларининг гувоҳи бўлганман. Шунинг учун улар кўрмаган жойларни фарзанд бўлиб кўрсатсам, дейман. Энг олий ниятим, уларни Ҳаж сафарига жўнатиш. Мана, менга нима орзулар тинчлик бермайди ва олға интилишим учун мотивация беради. Мен шундай холис ниятлар қилган ҳолда ота-онамнинг дуосини олиб, катта спортга кўрқмасдан қадам ташляпман. Уларнинг дуоси жавобсиз қолмайди.

ҲАРБИЙ СПОРТЧИ

– Ўзбекистонлик спортчилар жуда кучли ва матонатли. Юртимизда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида саралаш баҳсларида 6-7 та рақиб билан жанг қилишга тўғри

келади. Жаҳон чемпионатида эса 3-4 нафар рақиб билан юзма-юз келиш мумкин. Шундан ҳам билса бўладики, бизда ҳатто саралаш жараёнлари ҳам жуда қаттиқ ва шиддатли бўлади. Шунинг учун ҳам юртимиз спортчиларининг матонати жуда юқори. Техник ва жисмоний имкониятлари беқиёс. Улар билан октагонда кўп бора рўбарў келганим учун ҳам бу эътирофни муболағасиз айтаман.

Худди ана шундай мусобақалардан бирида мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Алишер Норбаев ва кўмондон полковник Журъат Якубов ҳарбий хизматчи бўлишга иштиёқимни сўраб қолишди. Мен бир йиллик муддатли ҳарбий хизматим давомида шароитларни кўрганлигим боис иккиланмасдан таклифни қабул қилдим. Ҳозирда ҳарбий спортчи бўлиб фаолият юритмоқдаман. Ютуқларимдан сафдошларим ҳам хурсанд бўлади ва катта мусобақалар олдидан кўмондоннинг ўзи доим менга мотивация беради.

ХУЛОСА...

– Ёшликнинг бебаҳо эканлигини вақтида англаб етиш керак. Белда куч-қувват, кўзингизда нур равшанлигида бирор касб ёки соҳани мукаммал эгаллаш лозим. Имконият йўқлигини рўқач қиладиган ёшлар кўпайиб бормоқда. Уларга доим айтаманки, имкониятни инсон ўзи яратади. Агар уйингизда барча имконият етарли бўлса, машғулот жойингизда ҳам барча шароитлар етарли бўладиган бўлса, катта эҳтимол билан айта олманки, у инсоннинг ҳаракатларидан бирор натижа чиқмайди. Барча қулайликларга эга бўлган инсон учун ҳеч қандай натижанинг кераги йўқ. Ундай инсонда мақсад бўлмайди. Орзуси бўлиши мумкин, аммо уни амалга ошириш чоғида дуч келадиган биринчи тўсиқнинг ўзида таслим бўлади. Ўзини қийнаши учун асос бўлмайди.

Шунинг учун машғулотлар ўтказиш учун имконият йўқлигидан нолиётган ёшларга айтар сўзим, шароитни ўзингиз яратинг, орзунгиз сари қадам ташлашдан асло чекинманг. Ота-онангизнинг қариган чоғида роҳат-фароғатда яшаши учун ҳам, келажакда фарзандларнинг камоли учун ҳам ҳаракатни бугундан бошланг. Ҳеч қачон чекинманг!

«Vatanparvar» муҳбири
Шерзод ШАРИПОВ
суҳбатлашди.



(Давоми. Боши газетанинг ўтган сониди)

Водийнинг адирликларга туташ Ражабгарди ва Ўқчи қишлоқлари бу пайтда, яъни 1920-йилларда гуллаб-яшнаган обод гўшалар эди. Биргина Ражабгарди қишлоғида ўн саккизта номдор бой бўлиб, қишлоқда учта гузар фаолият юритарди. Ҳар бир гузарда чойхона, новвойхона, баққолик дўкони, қассобхона, сартарошхона, этикдўзлик ва темирчилик устахоналари халққа хизмат кўрсатарди. Шунингдек, мойжувоз, гуруч оқлайдиган обжувоз, тегирмон, қоғоз чиқарадиган жувоз мавжудлиги сабаб қишлоқ аҳли йўқчилик, қийинчилик сезмасди.

Қишлоқ ичидан ўтган карвон йўли эса қишлоқ марказида самарқандлик усталар қўли билан бунёд бўлган катта масжид атрофида карвонсаройлар қад ростлашига замин яратганди.

Ёз пайтлари гузарлардан ҳофизлар ва аскиячилар қадами узилмасди. Хуллас, яқин-йироқнинг назарига тушган бу гўзал гўшанинг яна санокли кунлардан сўнг мудҳиш офат ичида қолиши ҳеч кимнинг хаёлига келмасди...

* * *

– Қориябону, қаердасан? – ўчоқ бошида овқат сузаётган Қумри опа қизини ёнига қақирди. – Мана бу таомни тезда Муҳаррам энангга бериб чиқ. Кўпдан буён холанинг мазаси йўқ. Овқатни иссиғида тановул қилар экансиз, деб тайинлагин.

Қориябону қўшни хонадонга йўл олар экан, катта йўлда шитоб билан келаётган отлик йигит қизни кўриб отининг қадамни секинлатди. Бошида ироқи кўқондўппи, тим қора майда ўрим кўнғироқ кокиллари орқасини тўлдириб турган оқ юзли санам бир кўришдаёқ йигитни ўзига мафтун этганди. Қўлидаги иссиқ таомни авайлаб кўтариб олган қизгина нигоҳи билан уни таъқиб этаётган йигитга аста қиё боқди-ю, тикилиб турганини кўриб, беихтиёр юзлари қизарди ва қўшни ҳовли томон шошилди. Шу кундан эътиборан, мингбошининг сеvimли кенжа ўғли Худоёрбек шу маҳаллада тез-тез кўринадиган бўлиб қолди...

Ўн олти ёшни қаршилаётган шўх-шаддод Қориябону Мирзоакбар домланинг тўнғич фарзанди бўлиб, ундан кейин уч ўғил вояга етаётганди. Уни яқинлари кўпроқ Бону деб аташарди. Отаси унга ёшлик чоғларидан бошлаб илм ўргатгани сабаб имкон туғилди дегунча, қизгина китоб мутолааси билан банд бўларди. Қизининг чеварлик-

ка бўлган иқтидорини сезган онаси эса унга устоз ёллади. Зукко қиз оз фурсат ичида яхшигина тикувчига айланди. Бувиси Зухра момо (қишлоқ аҳли момони Фаришта ача дерди) гўзал набирасига одоб борасида сабоқ беришдан чарчамасди. Мирзоакбар домла қизини ёш турмушга беришни истамагани боис икки йилдан буён совчиларни қайтариб келаётганди. Бироқ бўлиб ўтган воқеалардан сўнг уни тезроқ ўзига муносиб йигитга узатиши лозимлигини тушуниб етди. Аммо...

Орадан кўп ўтмай, Ғофирбой мирзо йигитини уйлантирди. Ўша атрофдаги машҳур ҳофизу аскиячилар бойнинг хизматида бўлди. Тўйдаги тўкинлик тилдан тилга ўтди. Уч кундан сўнг эса қишлоққа шўро аскарлари кириб келди. Қўлларида учига найза ўрнатилган милтик, нигоҳлари тунд босқинчиларнинг маълум режа асосида келгани аниқ эди. Бир зумда қишлоқ аҳлининг ҳаловати йўқолди. Юнусбек аниқлаганидек, Ғофирбойнинг хизматкори уларга йўл кўрсатувчи бўлиб ёлланганди.

Қишлоқ четидан ўтган Сўх сойи қирғоғи бўйлаб айланма йўллар билан яширинча кириб келган ёв аскарлари маҳаллалар оралаб кўрбошилар ҳақида суриштира бошлади. Аслида Қўқон шаҳрида кўним топган душман кўмондонлигига Мадаминбек бошчилигидаги кўрбоши гуруҳи Риштондан Ўқчи ва Ражабгарди қишлоқлари томон йўлга чиққанлигининг хабари етказилганди. Ражабгарди аҳлидан кўрбошилар ҳақида бирор маълумотга эга бўлолмаган босқинчилар Ўқчи қишлоғи томон отланди.

Ўқчининг дашт маҳалласига аллақачон ўрнашиб, уларни кутиб турган кўрбоши йигитлари эса душманни қақшатқич зарба билан қарши олди. Ёвнинг бир командир ва беш аскарлари ўлдирилди. Булар орасида Ғофирбойнинг Мирзо йигити ҳам бор эди. Кучлар ўртасида катта тафовут борлигини сезган кўрбошилар қишлоқ аҳлига зиён етишидан чўчиб адирликлар томон чекинди. Бу хабар Қўқонда кўним топган шўролар кўмондонлиги ҳамда кўмондон Фрунзегга етказилди. Орадан бир кун ўтиб, унинг буйруғи билан шўро аскарларига етказилган талафот учун Ўқчи ва Ражабгарди қишлоғи эркакларига отув ҳукми – тўрт соатлик қатағон жазоси белгиланди.

Мирзоакбар домла Ўқчида бўлиб ўтган нохуш воқеадан хабар топган заҳоти қишлоқдаги тўрт-беш чоғли ишончли одамларини йиғди.

– Дўстларим, биродарларим, сизларни бу даврага бежиз чорламадим, – унинг ташвишли нигоҳидан изтироб ва ҳадик сезилиб турарди. – Кўрбошиларнинг қўли баланд келганлигини эшитгандир-

сиз. Бу биз учун қувончли хабар, албатта. Чунки юртимизни топтаган ёвдан қанча қасос олинса, шунча кам. Аммо минг таассуфлар бўлсинки, бу воқеанинг халққа зиён етказувчи бошқа жиҳати бор, – даврадагилар қорининг сўзларини оғир сукунат ичра жон қулоқлари билан тинглашар, орага сўз қўшмай фикрини тезроқ билишга қизиқшарди. – Биласизларки, шўро босқинчилари қишлоқдаги бир неча ўнлаб забардаст, кўзга яқин йигитларни кўрбошининг аскарисан деб қийноққа солиб савол-жавоб қилди. Уларни асраб қолишимиз осон кечмади. Бу воқеадан сўнг ушбу тазйиқ янада кучайиши тайин. Шу сабаб кимнинг вояга етган, дуркун ўғли бўлса, душман кўзидан четроқда бўлгани маъқул. Буни тезда қишлоқ аҳлига, кўрғонча маҳаллаларга ишончли одамларинг билан етказасиз. Ўғилларини қишлоқдан чиқариб юборсин. Қариндошлари, бирор яқинлари бўлса бир муддат ўша ерда турсин. Мен ҳозирок Ўқчи қишлоғига отланиб, уларнинг оқсоқолини бу хавфдан огоҳ этаман. Халқ тепасидаги мингбоши, элликбошиларга ишонч йўқ. Шунинг учун буни имкон қадар сездирмай амалга оширмақ жоиз.

Йиғилганлар Мирзоакбар қорининг ёв зулмига қарши чорасини сўзсиз тасдиқлашди. Барчалари эҳтиёт бўлиш борасида ўз фикрини билдириб, хабар бериш учун маҳаллаларга бўлинишди. Бироқ Мирзоакбар домладек сиёсат илмидан озми-кўпми хабардор, эртани кўра биладиган инсон ҳам истибдод зулмининг бу қадар қақшатқич ва бешафқат бўлишини, яъни қишлоқ эркаклари қатағон қилинишини кутмаганди.

ҚОНЛИ ҚАТАҒОН

Эрта тонг. Март ойининг охирлари. Баҳор барвақт келгани сабаб борлиқ яшил либосда товланади. Саҳар шаббодасида боғлардан олча, олма гулларининг нафис ифори таралади. Қишлоқ аҳли аллақачон дала юмушларини бошлаб юборган. Деҳқон учун тонг палласида бажарилган меҳнатнинг ҳосияти ўзгача. Кимдир қўш хўкиз билан ер ҳайдаяпти, эгат оляпти, кимдир уруғ қадаёпти, яна кимдир мевали дарахтлар тагини юмшатиб ўғит солиш билан банд. Туни билан китоб мутолаа қилиб, юрт тақдиридан бағри куйиб, оғир ўйлар гирдобиди тонг оттирган Мирзоакбар домла тош йўлдан ўтаётган араваларнинг ғичирлаши, одамлар товушини эшитиб, безовталиқ билан кўча томонга шошилди. Меҳнат қуроллари, озик-овқат юкланган ўнга яқин аравалар ортида икки юздан зиёд ёш-яланг Ўқчи қишлоғи томон шошиларди. «Ҳа, ариқ қазувчи пойишканчилар-ку», хаёлидан ўтказди домла, бироз хавотири тарқаб. Бироқ кўксини дарҳол қоронғилик,

МОЗИЙНИ ТЯТРАТГАН МУДҲИШ КУНЛАР

(воқеий қисса)

ҳадик эгаллади. «Ариқларини қазиш учун бирор ҳафта сабр қилсалар бўларди. Уларнинг келишидан беҳабар қолганимиз яхши бўлмабди-да» ўзини койиди у, нохуш ҳолатни сезгандик.

Кенг даштликлар, тўқайзорлардан ўтиб бориладиган Ражабгарди ва Ўқчи қишлоқлари Сўх сойининг адирликлардан водийга қуйилиш қисмида жойлашган бўлиб, бу ердан 25-30 километр узоқда жойлашган туман маркази ва унинг атрофидаги қишлоқларга шу жойдан сув кетарди. Қишлоқ четидан ўтган бир қатор катта ариқлар – Дарвешобод (халқ уни Даршобод ариқ деб атади), Ҳасан ариқ, Оқёзи ариқларга ўша қишлоқларнинг номлари қўйилган. Икки қирғоғи буталар – ёввойи жийда, дўлана, итбурун чангаллари ва бошқа ўт-ўланлар билан қалин қопланган ариқ ичини йил давомида сув ўтлари, балчиқ ва чим босиб кетиши сабаб пойишканчилар ҳар йил баҳорда ариқларининг сувини қуриштириб, сув бошидан қишлоқларига қараб тозалаб, қазиб кетишарди. Бу ишга кўпроқ бақувват ёш йигитлар жалб этилганига қарамай, пойишканчиларнинг ҳорғин қадам ташлашидан узоқ йўл босиб чарчагани сезилиб турарди...

Шу куни қуёш уфқдан қора булутлар қуршовида бош кўтарди. У булутлар ортида бир кўриниб бир кўринмай борлиқни нуридан баҳраманд этишга ҳаракат қилар, бироқ ёвуз шарпалар исканжасидан қутула олмасди, гўё.

Тушга яқин қишлоқ аҳлига бутунлай ёт бўлган бурғу товуши эшитилди. Тирикчилик кўйида дала иши, турли юмушлар билан банд бўлган халқ қишлоққа эллик чоғли шўро аскарлари кириб келганини сезмай ҳам қолди. Юракларга ваҳима солувчи бу сур нола босқинчиларнинг қатл маросими бошлангани, тўғрироғи аскарларга қишлоқ эркакларини қатағон қилиш ҳақидаги буйруқ белгиси эди.

Бурғу чалинган заҳоти ёв аскарлари белгиланган режа асосида маҳаллаларга тарқалди ва кўзга кўринган эркак, вояга етган йигитларни отиб, қилич билан чопиб, милтиқларининг учига ўрнатилган найза билан санчиб ўлдира бошлади. Қишлоқ марказидан бошланган бу хунрезлик аёлларнинг дод фарёдига уланди. Босқинчилар ҳовлилар, уй ичлари, томлар, мўрилар қолмай оч қашқир янглиғ ўз қурбонларини излар, кўзга кўринган заҳоти бешафқатларча қатл этарди. Кўкимтир кўзлари нафратга тўла, ранги зафарон, башараси маъносиз ва совуқ бу иблис элчилари, гўё ҳайвон овлаётган овчиларга ўхшарди...

(Давоми кейинги сонда)

Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»



O'zbekiston Respublikasi Harbiy prokuraturasi va Milliy gvardiya Qo'riqlash bosh boshqarmasi hamkorligida o'tkazilgan tadbir shu mavzuga bag'ishlandi. Unda Toshkent shahri va viloyati qo'riqlash boshqarmalari xodimlari, ularning oila a'zolari va faxriylar ishtirok etdi.

ORAMIZDA HUQUQBUZARLIKKA O'RIN YO'Q

Tadbirida O'zbekiston Respublikasi Harbiy prokurorining katta yordamchisi adliya polkovnigi Sherzod Xayitov "Intizomning xizmatdagi, turmushdagi va huquqbuzarliklarning oldini olishdagi ahamiyati" mavzusida ma'ruza qildi.

Ta'kidlanganidek, intizom Qo'riqlash bosh boshqarmasi tizimidagi xodimlarning qonunlar, harbiy nizomlar, boshliqlarning buyruqlari bilan belgilangan

tartib va qoidalarga qat'iy va aniq rioya etishi hisoblanadi. Intizom har bir xodimning O'zbekiston Respublikasini himoya qilishga bo'lgan harbiy burchi va shaxsiy mas'uliyati, o'z xalqiga mislsiz sadoqatini his qilishiga asoslanadi.

Intizom O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasiga, qonunlariga va Prezidentiga sadoqatni, yuksak vatanparvarlikni, o'z burchini mohirlik va jasorat

bilan ado etishni, qiyinchiliklarni mardonavor yengib o'tishni, Vatani va xalqi uchun kerak bo'lsa, jonini ham fido qilishga tayyor bo'lishni talab etadi.

Darhaqiqat, sergaklik, ogohlik, bir-biriga hurmat ko'rsatish, odob-axloq va muomala qoidalariga rioya etish, oilada va jamoat joylarida o'zini munosib tutish, nomunosib xatti-harakatlardan o'zini va boshqalarni tiyib qolish, insonning huquq va erkinliklarini, or va nomusini

himoya qilish, turmushda va xizmatda boshqalarga ibrat bo'lish intizomning muhim jihatlari sanaladi.

Yuqoridagi masalalar ochiq muloqotda so'zga chiqqanlarning diqqat markazida bo'ldi.

**Adliya podpolkovnigi
Botir SOBIROV,
O'zbekiston Respublikasi
Harbiy prokurorining
yordamchisi**

✓ SAYYOR QABUL

INSON QADRI UCHUN

Toshkent harbiy prokuraturasi tomonidan harbiy xizmatchilar va ularning oila a'zolari hamda harbiy pensionerlar bilan ommaviy sayyor qabul o'tkazildi.

Unda ishga joylashish, imtiyozli uy-joyga ega bo'lish, xizmat xonadonini xususiylashtirish, moddiy yordam ajratish, tadbirkorlik faoliyatini yo'lga qo'yish, kommunal xizmatlar, farzandlarini maktabga va maktabgacha ta'lim tashkilotlariga joylashtirish kabi masalalarga oid, jami 37 ta murojaat tinglandi.

Ulardan 11 tasi belgilangan tartibda ko'rib chiqib hal qilish uchun nazoratga olingan holda tegishli tashkilotlarga yo'naltirildi, 26 tasiga huquqiy tushuntirish berildi.



Shuningdek, harbiy xizmatchilarning ish bilan band bo'lmagan oila a'zolari uchun mehnat yarmarkasi tashkil etildi.

Jahon va o'zbek adabiyoti namoyandalari qalamiga mansub turli janrdagi asarlardan tarkib topgan

kitob yarmarkasi ham tadbirga tashrif buyurganlarga manzur bo'ldi.

**Adliya katta leytenanti
Shohrux ERGASHEV,
Toshkent harbiy prokuraturasi
tergovchisi**

✓ TAHRIRIYATGA MAKTUB

МИННАТ ДОРЛИК



2022 йил январь ойи охирида хизмат хонамда бирдан тобим қочиб, қон босимим кўтарилди. Ишдан чиқиб, зўрға уйга бордим. Тонгга яқин кўкрак қафасимда қаттиқ оғриқ бошланди, тез ёрдам келиб, УЗИ текширувига олиб борди. Ўт қопада тош бор, дейишди.

Шундан сўнг мен Қарши ҳарбий госпиталида 2-3 кун оғриқ қолдирувчи дори-дармонларни олиб, ўт қопини олдириш учун Самарқанд кўп тармоқли шифохонасига бордим. У ерда ўт йўлида тош тиқилиб қолган деб, операция қилишди. Кейин аҳволим оғирлашгани учун такроран жарроҳлик амалиёти ни ўтказишди. Сўнг яна қайта операция қилишди, аҳволим ўнганмади. Шу аснода улар мени 5 мартаба жарроҳлик столига ётқизишди, ҳолатим кундан кунга ёмонлашиб қолди. Яшаб кетишига умид йўқ, дейишди шифокорлар. Мен ҳаётдан умидимни узгандим.

Уша кунларнинг бирида Мудофаа вазирлиги томонидан вертолёт ажратилиб, бир гуруҳ шифокорлар мени Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали-

га олиб кетишди. Жарроҳлик амалиётига тайёрлаш вақтигача қон кетиши бошланиб, комага тушиб қолдим. Самарқандда тошни оламан деб, ичагимни тешиб юборишган экан. Шундан сўнг 6 соатлик оғир операция яхши ўтди, лекин умид фақат Яратгандан. Чунки мен 1 ой ичида 5 мартаба операция ўтказиб, жуда чарчаб қолгандим.

Жарроҳлик амалиётидан кейин 17 кун оғир ётдим. Шу кунлар давомида Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг бир гуруҳ шифокорлари, жонлантириш бўлимининг барча ходимлари, вазирлик тиббий таъминот бошқармаси вакиллари менинг соғлиғим учун жон-жаҳди билан курашди. Уларнинг билими, бой тажрибаси, меҳри ва ширин сўзлари, чиройли муомаласи

кундан-кун соғайиб боришимда жуда катта самарасини кўрсатди. Бу ҳолатимни сўз билан ифодалаш жуда қийин.

Ушбу мактубим орқали Мудофаа вазирлиги тиббий таъминот бошқармаси, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги, Марказий ҳарбий клиник госпитали хирургия ва жонлантириш бўлими жамоаси, ҳамширалари ва орастаконларига, мен учун жон куйдирган барча ҳарбий тиббиёт ходимларига ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдираман. Доимо улар учун дуодаман, бошим ерга теккунча таъзимдаман ва унутмайман!

Улар мен учун Яратганининг ердаги фариштала-ридир.

**КБҲХ, оддий аскар
Комила УСТЕМИРОВА**

МАГНИТ БЎРОНИДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ!



Бу атама азалдан бор, аммо сўнгги йилларда кўп диққат марказига чиқмоқда. Ҳатто жуда кўп касалликларнинг қўзғалиши шу ҳодиса билан боғланыпти. Хўш, магнит бўрони ўзи нима? У инсон саломатлиги учун нега хавфли? Қон босимимизнинг кўтарилиши ёки тушишига унинг қанчалик алоқаси бор? Қуйида шу ҳақда фикр юритамиз.

КИМЛАР ХАВФ ОСТИДА?

Магнит бўрони Қуёш шамоли таъсирида Ер магнитосферасининг вақтинча ўзгариш ҳодисасидир. Қуёш шамолининг кучайиши магнитосферани маълум миқдорда сиқади. Бундан ташқари, Қуёш шамоли Ернинг магнит майдони билан ўзаро реакцияга киришиб, ундан ажралган энергиянинг бир қисмини магнитосферага ўтказиши мумкин. Бу магнитосфера бўйлаб плазма тўлқинлари ҳаракатининг тезланиши ва электр оқимининг кучайишига олиб келади. Шунингдек, магнит бўронлари кучи қуёшдаги доғлар ўзгаришларига ҳам боғлиқ.

Магнит бўронлари бир вақтда Ер юзининг йирик майдонларида кузатилади ва кўпчилик бунини ҳис қилади. Айниқса, юрак-қон томир, асаб соҳасининг сурункали касалликларига эга инсонлар бу жараёнларни оғир ўтказишади.

Шифокорларга кўра, магнит бўронидан, айниқса артериал гипертония хасталигига чалинган беморлар кўпроқ азият чекади. Яъни қон босимининг фақуллодда ошиб ёки пасайиб кетиши уларнинг саломатлигига жиддий хавф тўғдириши мумкин. Бу ҳолат организмда ташқи стрессларга чидамликни таъминлайдиган мелатонин моддаси ишлаб чиқарилиши камайиши билан изоҳланади. Қолаверса, магнит бўрони бронхиал астма билан оғриган одамлар саломатлигида ҳам муаммоларни келтириб чиқариши кузатилган.

Хўш, нега магнит бўронлари таъсирида қон айланишининг ўзгариши асосий таъсир воситаси ҳисобланади? Чунки эритроцитлар таркибидаги темир моддаси магнитдан таъсирланади. Натижада томирларда тиқилмалар ҳосил бўлади ва бу, айниқса сурункали касалликлари бор одамлар учун хавфли ҳисобланади.

Асаб тизимига эса магнит бўрони пайтида гормонлар ишлаб чиқарилишининг кучайиши таъсир қилади. Бундай пайтда инсонда ҳолсизлик, жиззакилик, реакция сусайиши ёки кучайиши каби белгилар пайдо бўлади.

Магнит бўронларининг G3 даражасида даврида айримларда бош қисмининг орқа томони ва пешонада кучсиз оғриқ кузатилади. Бундай вақтларда инсонларга камроқ ҳаракат қилиш ҳамда уйда кўпроқ ўтириш тавсия этилади. Бу вақт оралиғида юқоридаги омилни ўзида сезаётган кишиларга чекиш, алкоголь маҳсулотлари ва кофе ичиш ҳамда жисмоний зўриқиш тавсия этилмайди.

ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАНИШ МУМКИН?

Магнит бўронлари вақти-вақти билан албатта содир бўлувчи ҳодиса экан, бундай кунлар одатда ОАВ орқали эълон қилинади. Энг муҳими, бу жараёндан инсон ўзини имкони борича ҳимоялаши шарт. Қандай қилиб дейсизми? Масалан:

- * асабийлашишдан тийилиш, ҳазми оғир овқатлар истеъмол қилмаслик, чекишни, спиртли ичимликлар ичишни, чеклаш лозим;
 - * шундай кунларда жисмоний меҳнатни чеклаб туриш, ақлий меҳнатда ҳам организмни зўриқтирмаслик мақсадга мувофиқ;
 - * имкон қадар душ қабул қилиб туриш, илиқ сув ичиш ва салқин хоналарда ўтириш керак;
 - * тинчлантирувчи хусусиятга эга чойлардан ичиш, уйқудан олдин тоза ҳавода сайр қилиш лозим;
 - * сурункали касалликлари бор беморлар, айниқса юрак-қон томир касалликлари, жумладан инсулт ўтказганлар ёлғиз қолмасликлари, бир ўзлари автомобиль бошқармасликлари, истеъмол қиладиган ҳар бир дори воситасини шифокор кўрсатмаси асосида қабул қилишлари ва қон босимини тез-тез назорат қилиб туришлари даркор;
 - * магнит бўронининг организмга салбий таъсирини камайтириш мақсадида, овқатланиш рационига кўкат ва балиқ маҳсулотларини киритиш ҳамда истеъмол қилиш тавсия этилади;
 - * қон босимидан шикоят бор беморлар кўпроқ сув ичиб, шўр таомларни камроқ истеъмол қилганлари маъқул. Чунки туз қон босими ошишига сабаб бўлади.
- Умуман олганда, мана шу қоидаларга риоя қилган инсоннинг саломатлигига бу жараён раҳна солмайди.

МАГНИТ БЎРОНИ ВА РУҲИЙ САЛОМАТЛИК

Энг муҳим яна бир маслаҳат, магнит бўронларига табиатнинг бир ҳодисаси сифатида қараш ва кўркмаслик лозим. Шунда уни ўтказиб юбориш осон кечади. Бу ҳодисадан қандай қилиб кўркмаслик ва ундан жабр кўркмаслик мумкин? Агар сиз руҳий саломатликка эришган бўлсангиз, ҳар қандай касалликни осон бартараф этиш қудратига эга бўла оласиз.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига кўра, руҳий саломатлик «фаровонлик ҳолати, унда шахс ўз қобилиятини англайди, ҳаётнинг одатдаги стрессларига дош бера олади ва самарали меҳнат қилади».

Руҳий саломатлик бировнинг ҳиссий, психологик ва ижтимоий фаровонлигини тавсифлайди. Бизнинг ақлий саломатлигимиз овқатланиш одатларимизга, жисмоний фаоллик даражамизга, моддани истеъмол қилиш хатти-ҳаракатларимизга ва қийин вазиятларда қандай фикрлашимизга, ҳис қилишимизга ва уларга қарши курашимизга таъсир қилади.

Инсоннинг руҳий саломатлиги унинг жисмоний соғлиғи каби муҳим ва руҳий саломатлик ҳолатлари жисмоний касалликлар каби ҳақиқийдир. Сўхбатлашаётганда ва бошқалар билан ўзаро алоқада бўлганингизда бунини ёдда тутишингиз керак.

Руҳий саломатлик ҳиссий, ижтимоий ва психологик соғломликдан иборат. Ижобий руҳий саломатликка эга бўлиш кўп жиҳатдан фойдали. Масалан, шу орқали сиз жисмоний соғлиғингизни яхшилаш оласиз, стресс ва қийин вазиятларни осон енгасиз, яхши ижтимоий муносабатларга эга бўласиз, яна бир муҳим жиҳат, ўзингизни янада бахтлироқ ва тўлақонли ҳис қиласиз.

Жисмоний саломатлик сингари, руҳий саломатликнинг бир ажойиб жиҳати шундаки, инсон ўзини соғлом ва тўлақонли ҳис қилади.

УНГА ЭРИШИ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

- * Аввало жисмоний фаол бўлинг;
 - * ҳаётдан завқланишни ўрганинг;
 - * ҳар доим олдингизга аниқ мақсад қўйинг ва унга эришишга интилинг;
 - * ҳар қандай муаммага қарши курашиш учун ўзингизда куч топинг;
 - * медитация қилинг ёки эҳтиёткорлик билан машқ қилинг;
 - * зарур бўлганда мутахассисдан ёрдам сўрашдан кўркманг.
- «Руҳий саломатлик» тушунчаси омма орасига секин-аста кириб бори япти, чунки руҳий муаммолар бизни тобора кўпроқ безовта қиляпти: тушкунлик, стресс, хавотир. Бу айниқса, юқорида тилга олганимиздек бугунги кунда тез-тез кузатилаётган магнит бўрони вақтида кўп кузатиляпти. Айнан шу даврда касалликлар хуруж қиляпти, одамлар «менга магнит бўрони таъсир қиляпти», деб ўзини ўзи ишонтириш орқали касаллик «чақиряпти». Касал бўлганда эса вақтида мутахассисга мурожаат қилиш бизда одатга кирмаган. Энг ёмони шу. Касал бўлиб бошимиз ёстиққа теккандагина, шифокорга кўринишимиз лозимлиги эсимизга тушади. Аслида эса саломатликка путур етмасдан туриб, соғлиқни асраш керак. Бу жисмоний саломатликка ҳам, руҳий саломатликка ҳам тегишли.

Руҳ саломат бўлгандагина инсон ўзини тўлақонли саломат ҳис қилиши ва тўлақонли ижтимоий фаол бўлиши мумкин. Демак, саломатлик деганда фақат жисмоний эмас, руҳий томондан ҳам ўзимизни яхши ҳис қилишимиз керак. Шундагина ўз фаолиятимизни яхши олиб боришимиз, «мен»имизни бир маромда сақлаб туришимиз, хулқ-атворимизни атрофда бўлаётган воқеаларга қарамасдан яхши тутишимиз мумкин бўлади.

Гулнора ҲОЖИМУРОВА
тайёрлади.

Айни кунларда олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тест синовларини топшириш жараёни қизғин паллага кирди. Бу йил курсантликка талабгорларнинг салмоғи қанча? Абитуриентлар ёки уларнинг ота-оналари олий ўқув даргоҳларидан қабул билан боғлиқ саволларга қай даражада жавоб олмоқда? Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти қабул комиссияси фаолияти мисолида ушбу саволларга ойдинлик киритдик.



@Vatanparvargazetasi_bot
"Vatanparvar" birlashgan tahririyati
bilan bog'lanish uchun telegram bot

SHU SONNING
ELEKTRON SHAKLI



ҚАБУЛ КОМИССИЯСИДА ИШ ҚИЗҒИН

Билим юрти қабул комиссиясининг иш жараёни билан яқиндан таниша туриб, улар фаолияти намунали ташкил этилганига амин бўласиз. Бу ерда бакалаврият таълим йўналишида ўқиш истагидаги номзодларнинг топширган ҳужжатлари вилоятлар кесимида алифбо тартибда жойлаштирилган. Муайян тоифадаги абитуриентларнинг имтиёзли тавсиянома ҳақидаги қайдлари ўз вақтида маълумотлар базасига киритилгани туфайли, ушбу билим юрти танлаган талабгорлар Билим ва малакалари баҳолаш агентлигининг uzbmb.uz веб-сайтидан ҳеч қандай муаммосиз рўйхатдан ўтишди.

– Жорий йилда билим юртимизда ўқиш учун ариза топширганлар сони ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада ортди, – дейди Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти қабул комиссияси масъул котиби подполковник Ҳамза Қурбонназаров. – Жумладан, февраль–март ойларида туман мудофаа ишлари бўлимига ўқиш учун ҳужжат топширганлар 5 677 нафар бўлиб, улар орасида саралаш (*жисмоний тайёргарлик, психологик тест ва тиббий кўрик*) тадбирларидан муваффақиятли ўтган 2 670 нафар номзод давлат тест синовларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди. Ўтган йили бу кўрсаткич 1 763 тани ташкил этган. Бу рақам жорий йилда 907 тага ортгани қувонарлидир.

Талабгорлар орасида ўз билими ва юқори салоҳияти билан ўқишга киришда имтиёз берувчи тавсияномага эга бўлганлар ҳам талайгина. Таълим масканимизда ўқиш истагидаги ёшлар сонининг йилдан йилга ортиб бораётгани улар орасидан энг билимлиларини саралаб олишга имконият яратади. Билим юрти қабул комиссияси самарали фаолият кўрсатиш учун зарур шароит ва керакли жиҳозлар билан таъминланган. Абитуриентлар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлақонли жавоб олиши учун «Call-маркази» мунтазам равишда ишлаб турибди.

– Яқинда Нишон туманидаги 31-умумтаълим мактабини битирдим. Мактабимизда «Ватан таянчи» ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати отряди аъзоси сифатида тош кўтариш, турникда тортилиш, кураш, шахмат, шашка сингари мусобақаларда, ҳарбий қисмларга экскурсия ва бошқа тадбирларда фаол иштирок этиб, олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга киришда 5 фоизлик имтиёзга эга бўлдим, – дейди



курсантликка номзодлардан бири Муҳаммад Холиёров. – Амакимга ҳавас қилиб, мен ҳам ҳарбийлик касбини танлашга қарор қилганман. Бу мақсадим мени Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ўқишга ундади. Ўқишга кириш учун имтиҳонга астойдил тайёргарлик кўрдим. Тест синовларидан етарли балл тўплаб, ота-онам ва устозларимнинг юзини ёруғ қилиш ва курсант бўлиш олдиндаги энг катта мақсадим бўлиб турибди.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ёшларнинг олий маълумотга эга бўлиши учун кенг имкониятлар яратилган.

Бу имкониятлардан унумли фойдаланаётган ёшлар ҳам бисёр. Олий ҳарбий таълим муассасалари инфратузилмаси шунга мос равишда халқаро стандартлар талаблари даражасида такомиллашиб бормоқда.

Маълумот ўрнида келтириш жоизки, ҳужжатларини билим юртига топширган номзодларда курсантликка тавсия этилмаган тақдирда, тест синовларида тўплаган балларига кўра, давлат олий таълим муассасаларига

кириш имконияти мавжуд. Бунинг учун уларнинг давлат тест синовларида тўплаган бали жорий йилнинг 20 июлига қадар рўйхатдан ўтган ҳарбий ОТМнинг фанлар блоки кетма-кетлиги мос 5 тагача таълим йўналишининг бирига етиши керак.

Биз эса барча абитуриентларга курсантлик бахтига эришиши йўлида омад тилаймиз.

Катта лейтенант
Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

VATANPARVAR

MUASSIS



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MUDOFAA
VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

Tahririyat kengashi:

general-mayor Hamdam Qarshiyev
polkovnik Otabek Yuldashev
polkovnik Alisher Boboxonov
Maqsud Abilov

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan
farqlanishi mumkin.

Gazeta Mudofaa vazirligi Axborot
va ommaviy kommunikatsiyalar
departamenti – "Vatanparvar" birlashgan
tahririyatining kompyuter markazida
sahifalandi.

Bosh muharrir:

podpolkovnik Ahror Ochilov

ISSN 2010-5541

Gazeta O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida 2008-yil
6-iyunda 0535 raqami bilan
ro'yxatga olingan.

Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50
buxgalteriya: 71 260-35-20
yuridik bo'lim: 71 260-29-41
faks: 71 260-32-29

Navbatchi: podpolkovnik Gulnora Hojimurodova

Sahifalovchi: Nodirabegim Ne'matova

Musahhih: Sayyora Mirzayeva

Buyurtma: Г-0805

Hajmi: 6 bosma taboq

Bichimi: A3

Adadi: 31 462 nusxa

Bosishga topshirish vaqti: 14:00

Topshirildi: 14:30

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani
rasmilashitirgan tashkilot javobgar.

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop
etilishiga "O'zbekiston" NMIU mas'ul.

Gazeta juma kuni chiqadi.

Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqqan
boshlagan.

Nashr ko'rsatkichi: 114.

Bahosi: kelishilgan narxda.

"O'zbekiston" nashriyot-matbaa ijodiy uyi

bosmaxonasida chop etildi.

Bosmaxona manzili: Toshkent shahri,

Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:

100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.